

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 75.051

**ЭГАМБЕРДИЕВ АБДУВАЛИ**

**XX АСР ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИДА  
КАРТИНА РИВОЖИ**

17.00.04 – «Тасвирий ва амалий безак санъати»  
Санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2009

Диссертация Ўзбекистон Бадий Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг «Тасвирий санъат» бўлимида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор  
Рафаил Хадиевич Такташ

Расмий оппонентлар: санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор  
Акбар Абдуллаевич Ҳақимов  
санъатшунослик фанлари доктори  
Райхон Абдешевна Ергалиева  
тарих фанлари доктори,  
Эльмира Маъруфовна Исмоилова

Етакчи ташкилот: Камолитдин Бехзод номидаги Миллий  
рассомлик ва дизайн институти

Диссертациянинг химояси Ўзбекистон Бадий Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти хузуридаги Д.092.11.01-рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да бошланган мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2.

Диссертация билан Ўзбекистон Бадий Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2.

Автореферат \_\_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди

Бирлашган Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби,  
санъатшунослик фанлари номзоди

М.В.Исраилов

## I. ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Буюк Истиклол боис Ўзбек халқи ижтимоий ҳаётида янги давр бошланди. Жумладан, миллий-маънавий кадриятларни ўрганиш, уларни халқнинг бебаҳо бойлиги сифатида авайлаб-асраш ва кундалик ҳаётимизга тадбиқ этиш ғоят муҳим аҳамият касб эта бошлади. Чунки ҳар бир халқ ўзлигини англаши учун аввало тарихи, миллий-маънавий кадриятларини билиши, унга таяниши зарур. Ўзок асрлар мобайнида яратилган маънавий мерос ҳар бир халқнинг ўз истикболини белгилаб олишига замин яратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»<sup>1</sup>. Ўзбекистонда шу боисдан истиклонинг дастлабки кунлариданок шонли тарихни, миллий анъаналарни, кадриятларни, бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш, ундаги умуминсоний кадриятларга уйғун жиҳатларни кишилар онига стқазилга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти яратишнинг маънавий асосларидан бири, деб қаралди. Зеро, тарихдан ибратли сабоқ чиқариб, халқнинг маънавий ва маданий сарчашмаларидан кишиларни бахраманд қилиш орқалигина истикболни аниқ тасаввур этиш ва ушбу элгу мақсад сари дадил қадам қўйиш мумкин.

Кишилар онига таъсир этишнинг фаол воситаларидан бири эса тасвирий санъатдир. Жумладан, рангтаъсир санъати инсон маънавиятини шакллантиришда, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда беқиёс аҳамиятга эгаки, буни ривожланган мамлакатларнинг маданий ҳаёти аниқ кўрсатиб турибди.

Картина – бу ҳаётни ўрганиш, ўзлаштириш, қалбга синдириш, билиш, англашдан ҳосил бўлган фикрларнинг бадий ифодасидир. Картинада ҳар бир даврнинг ўзига хос характери, типик кўринишлари, ундаги эврилиш ва янгилиниш, турланиш ва тусланиш, тургунлик ва парвозлар ўз ифодасини топади. Зеро, рангтаъсир усталари ўз даврининг сезгир вақили, синчков тадқиқотчиси, йилномачиси сифатида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришларни рангли бўёқларда акс эттиради, композицион чизгиларда гавдалантиради. Кишиларимиз ҳаёти, давр солномаси тасвирий санъат намуналарида қандай акс этганини миллий маданий кесимда тадқиқ этиш эндиликда долзарб бўлиб турибди.

XX асрда Ўзбекистон тасвирий санъати мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу тарихий бадий жараёни таҳлил қилиш, дастгоҳли рангтаъсирда картина жанрининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш йўлини илмий-назарий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Яқин ўтган даврда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига бағишланган

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўлагасида: ҳаётиятимиз таҳлил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 137-бет.

катор илмий тадқиқотлар яратилган. Хусусан, Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, А.Ҳакимов, Р.Такташ, А.Умаров, Т.Махмудов, В.Лаковская, Н.Аҳмедова, Н.Абдуллаев, Л.Шостко, Л.Жалова, Д.Саидова, К.Окилова, Г.Бобожонова, шунингдек, Н.Калин, В.Чепелев, Б.Веймарн, А.Каменский, М.Земскаянинг тадқиқотларида миптақа тасвирий санъатининг турли муаммолари ёритилган.

Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир санъатидаги муайян тамойиллар, ундаги айрим жанрлар тараққиётига бағишланган катор монография ва тадқиқотлар ҳам мавжуд. Лекин уларда Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир санъатининг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган, холос. Жумладан, Р.Такташнинг «Ўзбекистон тасвирий санъати»<sup>1</sup> тадқиқотида ҳам дастгоҳли рангтасвир Ўзбекистон тасвирий санъатининг таркибий қисми сифатида ўрганилган.

Т. Махмудовнинг «Эстетика ва маънавий қадриятлар»<sup>2</sup> китоби ҳам рангтасвир санъатининг бадий-эстетик аҳамиятини кўрсатишга бағишланган муҳим тадқиқотлардан бири бўлиб, унда рангтасвир асарлари эстетик категориялар кесимида таҳлил қилинган.

В.Лаковскаянинг «Ўзбекистоннинг урушдан кейинги даврдаги дастгоҳли рангтасвири»<sup>3</sup> китобида 1950-70-йиллардаги дастгоҳли рангтасвир асарларига тарихий-назарий асосда ёндашилган. Мазкур тадқиқотда муаллиф XX аср 70-йиллари рангтасвир асарларини яхлит таҳлил қилган ҳолда, аввал чоп қилинмаган янги архив материалларини ҳам илмий муомалага олиб кирган.

Н. Аҳмедовнинг «Марказий Осиё рангтасвири XX асрда. Анъана, ўзига хослик, диалог»<sup>4</sup> китобида минтақада тасвирий санъатининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва унинг ҳозирги даражага эришишига салмоқли ҳисса қўшган рассомлар тўғрисида сўз юритилган ҳамда бу мусаввирлар ижоди Ўрта Осиё республикалари ижодкорлари изланишларига таққослаб таҳлил қилинган.

Н. Аҳмедовнинг мазкур тадқиқотида Ўрта Осиё тасвирий санъатининг ривожланиш жараёнини ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт билан боғлиқ тарзда тадқиқ этиш асосида XX аср рангтасвир санъати тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини очиқ берилган.

А.Эгамбердиевнинг ушбу муаммога бағишланган «Ўзбекистон жанрли рангтасвири» китоби ҳам чоп этилган<sup>5</sup>. Лекин Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир санъатининг XIX аср иккинчи ярми-XX асрдаги тараққиёти, унинг ўзига хос ривожланиш босқичлари яхлит тарзда илмий-эстетик асосда ўрганилмаган.

Ушбу диссертация ишида шу даврда юз берган бадий жараёнлар ўрганилиб, улар юзасидан илмий-назарий хулосалар чиқарилган. Бунда,

хусусан, ижодкорнинг рассом сифатида шаклланиши, унинг босиб ўтган ижодий йўли, ижодига таъсир кўрсатган таъки омиллар, турли мактаб, оқим, йўналишлар, мусаввир ижодида давр руҳининг ифодаланишини кўрсатишга эътибор қаратилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мавзу тармоқ дастурлари, Фаолар академиясининг режалари, тармоқлараро илмий-техникавий мажмуалар, тармоқлараро давлат бирлашмалари режалари, ташкилотнинг мавзулар режаси билан бевосита боғлиқдир.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур ишда XX аср Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвирида картина жанрининг шаклланиши ва ривожланиш йўллари, рангтасвир санъати тараққиётининг турли даврлардаги босқичларига хос муҳим жиҳатлар тавсифланади, бу соҳада ижод қилган етакчи рассомлар изланишлари ёритилади, улар дуч келган ижодий муаммолар ва улар билан боғлиқ гоъвий-бадний тамойиллар таҳлил этилади.

#### Тадқиқотнинг вазифалари:

- XIX аср охири – XX аср бошида Ўзбекистонда дастгоҳли рангтасвирнинг пайдо бўлишини ўрганиш;

- Ўзбекистон рангтасвир санъатининг тараққиёти, ундаги муайян даврларга хос муҳим жиҳатларни кўрсатиб бериш;

- Ўзбекистонда дастгоҳли картина жанри шаклланишида ўзбек, рус, кардош халқлар ва жаҳон санъати, халқ хунарамандчилиги, замонавий санъат таъсирини таҳлил қилиш;

- рангтасвир асарларида ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар акс этишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

дастгоҳли картина жанридаги асарларнинг услубий йўналишлари ва ифода воситаларини ўрганиш;

рассомларнинг ижодий изланишларини таҳлил қилиш;

- дастгоҳли рангтасвир картинасининг XX аср иккинчи ярмидаги ривож тамойилларини ўрганиш;

- Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир санъатида пайдо бўлган мактаблар, йўналишлар ва услубларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон дастгоҳли картинасининг шаклланишига асос бўлган мавзулар ва услубий жиҳатларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети сифатида ўзбекистонлик рассомларнинг картиналари танланган ҳамда шу асосда Ўзбекистон рангтасвир санъати тараққиётини белгилайдиган асарларнинг асосий хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Тадқиқот методлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маънавий ҳақидаги дастурий нутқлари, тасвирий

<sup>1</sup>Такташ Р. Изобразительное искусство Узбекистана (вторая пол. XIX в.-50-е гг. XX в.) -Т.: Фан 1972.

<sup>2</sup>Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности -Т.: Гл. ред. ИИК «Шарк», 1993 г.

<sup>3</sup>Лаковская В. Последвоенная станковая живопись Узбекистана. -Т.: Фан 1991 г.

<sup>4</sup>Аҳмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века. Традиции, самобытность, диалог -Т.: 2005 г.

<sup>5</sup>Эгамбердиев А. Жанровая живопись Узбекистана-Т. Изд-ва Литературы и искусства, 1989 г.

санъатни ривожлантиришга қаратилган Фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, замонавий тасвирий санъатшуносликда мавжуд илмий-назарий қарашлар ҳамда шулар асосидаги тизимли ва қиёсий-типологик ёндашувлар ишнинг илмий-методологик асосини белгилайди.

Ушбу диссертацияни ёзишда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж, Салтиков-Шедрин номидаги кутубхона ва Москва Халқ кутубхонаси, Рус музейи, Пушкин номидаги Санъат музейи, И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи, Ўзбекистон Санъат музейи, Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, Ўзбекистон Бадний академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти захираларида сақланаётган асарлардан асосий манба сифатида фойдаланилди.

#### **Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- XX аср ўзбек тасвирий санъатидаги картина жанрида сюжетлиликнинг намоён бўлиши, кишилар қиёфаси акс эттирилишидаги ўзгаришларни даврлар бўйича таҳлил қилиб, уларни бутунги истиқлол даври ғояларидан келиб чиққан ҳолда, қайта баҳолаш;

- 10-20-йилларда дастгоҳли тасвирий санъат ўлкамизга янги санъат тури сифатида кириб келиши жараёнларини кўрсатиш, натуралистик йўналишдан тортиб ультра замонавий авангард йўналишда ижод қиладиган турли оқимга мансуб рассомлар асарларини тадқиқ этиш;

- 10-50-йилларда ўзбек тасвирий санъатида картина жанрига асос солган йирик рассомлар ижодига хос хусусиятларни кўрсатиш;

- 20-30-йилларда авангард йўналишда ижод қилган рассомлар ўзбек тасвирий санъатида картина жанрини янги босқичга кўтарганини асослаб бериш;

- 30-50-йиллар тасвирий санъатида ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга интилиш кучайгани, бу айниқса, картина жанридаги баркамол асарларда яққол бўлганини кўрсатиш;

- 60-80-йилларда картина жанрида жиддий ривожланиш рўй бергани, айни жанрдаги асарларнинг бадний ифода қўлами кенгайгани, картиналарнинг ички тузилишида муайян ўзгаришлар юз берганини таҳлил қилиш;

- 90-йиллардаги ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар таъсирида тасвирий санъатда, жумладан, картина жанрида янгича тамойиллар пайдо бўлганини кўрсатиш.

**Илмий янгилиги.** Ишда XX аср Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир санъати ривожини яхлит ҳолда маълум даврлар ҳамда йиллар бўйича кўриб чиқилди. Диссертацияда илк бор XX аср ўзбек тасвирий санъатидаги картина жанри ривожини тарихий-назарий жиҳатдан тавсифланган. Тадқиқотда биринчи марта ўзбек тасвирий санъатида кишилар қиёфаси гавдалантирилган сюжетли картина жанрининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тарихий ривожланиши босқичларига истиқлол даври талабларидан келиб

чиқилиб, баҳо берилган. Картина жанридаги асарларда турли даврларда намоён бўлган бадний-ижодий услублар, ҳар хил мактабларга мансуб рассомларнинг картина жанридаги ижодий изланишлари таҳлил қилинган.

Биз тадқиқ этаётган даврда турли йўналиш ва оқимларга мансуб рассомлар тасвирий санъатнинг ушбу жанрида ҳаётнинг турли ҳодисалари асосида турлича таассуротлар уйғотувчи, бадний даражаси хилма-хил асарлар яратдилар. Бу асарларнинг ҳар бири ўзига хос бадний-эстетик хусусият ва илмий қийматга эга.

Диссертация ишида Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида ёрқин из қолдирган мусаввирлар ижодидаги энг муҳим асарлар танланиб, уларнинг тарихий жараёнда ва рассомлар ижодида тутган ўрни ҳамда тасвирий санъат тараққиётидаги аҳамияти тўғрисида мулоҳаза юритилди.

Тадқиқот муаллифи Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвирнинг XX асрдаги тараққиёт йўллари ва ривожланиш босқичларини ҳозирги давр нуқтаи назаридан таҳлил қилишга интилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

- XX асрда Ўзбекистонда дастгоҳли рангтасвирнинг шаклланиш жараёни ривожини ва унинг ҳозирги ҳолатини аниқланди;

- картина жанрида 10-20, 30-50, 60-80, 90-йилларда юз берган ўзгаришлар ўрганилди;

- рассомларнинг картина жанрида асар яратиш малакасини эгаллашдаги изланишлари таҳлил қилинди;

- рассомларнинг картина яратишдаги ўзига хос ижодий-бадний услубини ўрганилиб, улар жаҳон тасвирий санъатидаги жараёнлар билан қиёсий таҳлил этилди;

- жанрларнинг ўзаро уйғунлашуви жараёнидаги ўзгаришлар динамикасини аниқланди;

- дастгоҳли рангтасвирнинг ўзига хос хусусиятлари, терминлари илк марта ўзбек тилида таҳлилий асосда ўрганилди;

- тўпланган материалларни фактологик таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон рангтасвир санъатидаги картина жанрининг бир асрлик тарихи ёритилди.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижаларидан тасвирий санъат бўйича илий ва ўрта махсус билим юртлари, шунингдек, лицей ва коллежлар учун қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Тадқиқот Ўзбекистон Бадний академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат ва амалий-безак санъати бўлимларининг кенгайтирилган қўшма мажлисида муҳокама қилиниб, химояга тавсия қилинган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Санъат» факультети мажлисида илмий семинардан ўтган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари муаллиф томонидан эълон қилинган ишлар (улар жами 45 та) да ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Иш кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 272 бетдан иборат.

## II. ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг биринчи боби «Картина жанрининг пайдо бўлиши»** деб номланган бўлиб, унда республикада тасвирий санъатнинг ривожланиш тарихи ҳақида сўз юритилади. Ўзбекистонда картина жанридаги дастлабки асарлар В.Верещагин, С.Юдин, А.Зоммер, А.Засивенко ва И.Казаков каби рассомлар томонидан яратилгани таъкидланади. Уларнинг картиналарида воқелик, асосан, рус мўйқалам соҳиблари, аниқроғи, XIX аср иккинчи ярмида яшаб, ижод қилган сайёҳ рассомлар аънаналари асосида акс эттирилган. Бу рассомлар ижодида ўлка ҳаётига танкидий қараш, борлиқни ҳаққоний тасвирлаш, жамият ва инсон муаммоларини натурализм ва реализм уйғунлигида шарҳлаш, уларни аниқ образлар, драматик сюжетлар асосида кўрсатишга интилиш сезилади. 1900 йил бошларида Тошкентда И.Казаков, Самарқандда эса Л.Бурё сайёҳ рассомлар аънаналари асосида ижод қилган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистонда иқтидорли рассомларнинг гулпаниши, классик ва модерн йўналишдаги мактабларнинг қарор топиши дастгоҳли рангтасвирдаги картина жанрининг шаклланиш жараёнини жадаллаштирди. Зеро, шу омиллар таъсирида бу ерда зарур ижодий муҳит юзага келган эди. Европа тасвирий санъати билан аънаваный Шарқ санъатининг кесишуви ва шу асосда уч ўлчамли Европа тасвирий санъатини ўзида мужассамлаштирган бадий асарларнинг яратилиши ўлкада ўзига хос тасвирий санъатнинг шаклланишига олиб келди.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусияти, ривожланиш йўналиши бўлади. Масалан, 1920-1930-йилларда Ўзбекистонда Ў.Тансиқбоев, А.Волков, Л.Қаравай, В.Уфимцев, М.Қурзин каби истеъдодли рассомлар ижод қилишган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ижодий изланишлар олиб боришган. А.Волков дастлаб Санкт-Петербург Бадий академиясида Маковский устахонасида таълим олган. Кейинчалик бошқа мактаблар, йўналишлар таъсирида ижод қилган. У Д.Бернштейн студиясида ҳам тасвирий санъат сирларини ўрганган. Сўнгра Киевдаги София ибодатхонасидаги тасвирлардан Врубелнинг фрескаларини ўрганиб, асарларининг ифодавий воситаларини бойитали. Европа тасвирий санъатида XX аср бошларида юз бераётган кескин ўзгаришларни инкор этиш А.Волков ижодида аниқ намоён бўлади. А.Волков, П.Пикассо ва А.Браклар кашф этган янги ифодаларни шарқона руҳда, ўзига хос тарзда қайта яратади. А.Волков 1920-йилларнинг новатор рассоми бўлиб, у турғун қонун-қоидаларни инкор этиб, туйғуларини ифодалашга, ўзига хослигини намоён этишга эришган ижодкордир.

Рассомнинг «Анорли чойхона» (1924) картинасида бу яққол кўринади. Бу асар Ўзбекистон рангтасвир санъатидаги дастлабки картиналардан бири саналади. «Анорли чойхона» картинаси Парижда кўргазмаларда Сальвадор Дали ва Пикассо асарлари билан ёнма-ён намоён қилинган. А.Волков «Анорли чойхона» асарида Ғарб тасвирий санъатининг илғор тажрибалари билан Шарқ руҳиятини уйғунлаштирган. Рассомнинг ушбу асарида ўзининг жўшқин хиссиётларини ёрқин ифода этган. Унда Шарқ ҳаёти турли тимсол, рамзий образлар, тасвирий воситалар ёрдамида таъсирчан акс эттирилган. Картинада воқелик ёрқин ранглар, нур ва соянинг пластик ечими асосида гавдалантирилиб, ҳаётнинг абадий давомийлиги гоёси ифодаланган. Асар осойишта ҳаёт кишилар қалбига ҳаловат бағишлаши тўғрисида ўйлатади. Картинада ранглар бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Унда шартли гавдалар худди осойишта ҳаракатланаётган каби таассурот туғдиради. Рассом бунга сюрреалистик санъатга хос усуллар асосида эришган.

А.Волков «Қарвон» (1917-1924) композициясида муҳитни кубо геометрик чизгилар орқали кўрсатиб, ўзига хос руҳий ҳолат яратади. Рассом мазкур асарида туялар ва туяқашларнинг мудроқ, бир шармонда одимлашидаги ўзига хос жозибалорлиқни тасвирлаб беради. Рассом шарқона либослар, ёрқин ранглар воситасида туяқашлар руҳиятини кўрсатолган. У Шарқ заминига хос рангларни нозик хис қилиши орқали таъсирчан манзарани гавдалантирган. Картинада Шарқ табиатига мос ранглар аниқ таплагани тасвир кўламини кенгайтириб, унинг ифодавийлигини қучайтирган. Асарда ихчам чизгилар орқали персонажлар аниқ кўрсатилиб, шарқона ҳаёт манзараси ифодаланган.

XX аср 1920-йилларида Халқ маорифи қўмитасида тасвирий санъат бўлими ташкил этилган. Аммо унинг раҳбарлари турли оқим ва йўналишларга мансуб рассомларнинг изланишларига деярли эътибор беришмаган. Уларнинг тасвирий санъатнинг жамият ҳаётидаги бекиёс ахамиятини чуқур идрок этмаслиги рассомлар ижодига ва уларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатган. Бу аввало, ўша давр бадий танқидчилигида намоён бўлган эди. Маданий-маърифий ишларни олиб боришда муайян тажрибанинг йўқлиги, бу соҳада малакали маҳаллий мутахассислар етишмаслиги тасвирий санъатта эътиборсизликка сабаб бўлган.

О.Татевосян XX аср бошида Самарқанд майдонларини безаш учун ишлаган декоратив паннолари ва дастгоҳли асарларида қадимги Шарқ миниатюрасига асосланган ҳолда, халқ руҳига яқин ўзига хос шаклларни топишга интилган. Унинг ушбу асарлари ўзининг айни жиҳати билан А.Николаев, Н.Қарахан, А.Волков ва бошқа рассомлар ижодидан фарқ қилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бу А.Сидоровнинг «Правда» газетаси (17-сон, ноябрь, 1923 йил) ва «Искусство и промышленность» журнали (1-сон, январь, 1924 йил) да чоп этилган «Выставка Н.А.Волкова. Туркистон» мақолалари, «Огонёк» журнаlining 1923 йил 5-сонида чоп қилинган «Выставка А.Волкова в Москве» мақолаларида ҳам таъкидланган.

XIV-XV асрлардаги Италия рангасвир усталари ижодий тажрибаларига мэхр қўйган А.Николаев (Усто Мўмин) ҳам асарларида маҳаллий халқ ҳаётини ўзига хос услубда талкин қилади. Рассом картиналарида Шарк одамлари ўзига хос образлар сифатида гавдалантирилган. Шу боисдан рассомнинг айна асарлари миллий анъаналарга мос асарлар сифатида эътироф этилган<sup>1</sup>.

XX аср бошларидаги фан-техника янгиликлари, жамиятдаги кескин ижтимоий ўзгаришлар тасвирий санъатда ҳам ўз аксини топди. Рассомлар ўз асарларида ижтимоий ҳаётга содир бўлаётган ҳодисаларни эътирос билан акс эттиришга ҳаракат қилишган. Шу боис рангасвирда турли оқимлар вужудга келган. Уларнинг вакиллари тасвирий санъатдаги аввалги ижодий йўналишларни тўла эътироф этган ҳолда, техника таракқиёти таъсирида кишилар руҳияти, қалбида юз бераётган ўзгаришларни турли ифода воситаларида гавдалантиришга интилишган.

Рангасвирчи М.Курзиннинг ижоди 1920-йилларда шаклланган. Унинг асарлари бадий баркамоллиги ва чуқур гоёвийлиги билан мазкур давр тасвирий санъатида алоҳида ўрин тутади. Мусаввир рангасвирнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини теран англаган ҳолда, айрим асарларида ҳаётдаги салбий ҳодисаларни ҳажвий тарзда кўрсатган. Рассом турмушдаги мавжуд нуқсонларни тасвирлаш орқали бадий мушоҳада қилишда янги поғонага кўтарилиб, кишилар руҳига жиддий таъсир қилувчи ажойиб асарлар яратган. М.Курзиннинг жўшқин эътиросга йўғрилган асарлари, А.Николаев (Усто Мўмин)нинг Ўрта Осиё бадий мероси ва Шарк мумтоз маданий меросига қизиқиши, В.Уфимцевнинг ижодда янги шаклларни кашф қилишга интилиши, А.Волковнинг томошабинда ҳаётга ишонч, интилиш ҳиссини уйғотувчи асарлари Ўзбекистонда дастгоҳли рангасвирнинг раванк топишига олиб келди.

Бу даврда яшаб, ижод қилган истеъдодли рассомларидан яна бири Л.Бурэди. Унинг ўзига хос услубда яратилган асарлари замондош рассомлар асарларидан алоҳида ажралиб туради. Мусаввир ўлчами унча катта бўлмаган этюд, картиналарида, асосан, Самарқанднинг осмонўпар тарихий меъморий обидаларини тасвирлайди. У бу асарларини мозаик мўйқаламда яратган.

Ўрол Тансиқбоевнинг асарларида табиат манзаралари эътирос билан тасвирланган. Рассомнинг «Қишлоқ чеккаси» (1931), «Олтин куз» (1931), «Кўл бўйида» (1932) каби картиналарида унинг ижодий изланишлари, инсон руҳий оламига ўзига хос ифода қилиш услуби, рангларни гоёат нозик ҳис қилиши намоён бўлади. Рассомнинг айна асарларида табиат манзараларининг ёрқин жозибаси таъсирчан акс эттирилади. Ижодкор жонажон ўлқанинг табиати манзараларини турфа ранглар воситасида шоирона ифодалайди.

Мазкур рассомларнинг асарлари уларнинг ҳар бири ўзига хос дунёқараш ва ифода услубига эга эканлигини кўрсатади. Масалан, А.Волков бутун ижоди давомида муайян тамойилга қатъий амал қилди. У кубистик-геометрик услубдаги ишларида ҳам, 1930-йилларда реализм таъсирида яратган асарларида ҳам воқеликни ўз ҳиссиётлари асосида ёрқин ранглар воситасида ифода қилишга интилди.

Ижтимоий ҳаёт воқеалари, тасвирий санъатда соқреализм таъсирида юз берган ўзгаришлар рассом ижодида ҳам ўз изини қолдирди. «Қизил қарвоғ» (1930), «Сут соғувчи» (1930), «Ўза чопиғи» (1930), «Шоҳмардон қишлоғи» (1930) каби асарларида рассом жамоа бўлиб меҳнат қилиш, жамоа бўлиб овқатланиш каби ҳаётий воқеаларни акс эттирди. Шу каби ижтимоий турмуш манзаралари рассом картиналарининг асосий мавзусига айланади. Тантанали байрам тадбирлари, кўтаринки меҳнат жараёни, кишиларнинг голибона қиёфаси рассом картиналари асосини ташкил қилади. Шиорлар, транспарантлар унинг картиналарининг узвий қисми бўлиб қолади.

М.Волковнинг 1920 йиллардаги асарларида ижтимоий ҳаёт кўринишлари, ўша пайтда удум бўлган умумхалқ хашарлари акс эттирилади. Рассом сиёсий шиорлар кўтариб олган шоду хуррам қиёфаларни гавдалантиради. Бир сўз билан айтганда, бахтиёр қиёфалар, ўз ишдан, ҳаётдан мамнун қувноқ чехралар рассом асарларининг мазмунини ташкил қилган.

Авангард рассомлар санъатда азалдан ҳукмрон бўлиб, кишилар онгига сингиб кетган турли тамойил ва қолиплардан чекиниб, борлиқни янги тарзда ифодаловчи ижодкорлардир. Улар ҳаёт воқелигини ўз ички сезгилари асосида тасвирлаш орқали кишилар онги, дунёқараш ва дидини ўзгартирувчи рассомлар сирасига қирадилар.

О.Татевосян 1920 йилларда давр талабларга мос мавзуларда ижод қилиб, ҳаётдаги янги ўзгаришларни тасвирлашга ҳаракат қилган. А.Волков эса 1910-20 йилларда мушоҳада юртишга ундовчи асарлар яратишга интилган. У ҳаёт ҳодисаларини ўз дунёқараш асосида умумлаштириб, рангларнинг бой мажмуаси орқали ифода қилган. А.Волковнинг бу даврда яратган асарларида, ҳаёт воқелиги кубо-геометрик шаклларда гавдалантирилганлигини кўриш мумкин. Ижодкорнинг картиналарида муайян бир образ эмас, балки замондошларининг умумий ички руҳий кечинмаси ифодаланади.

А.Волков картиналари замондош мусаввирлар асарларидан аввало, рангларни қўллашда ўзига хос изланиш ифодаси сифатида ажралиб туради. У ранглар жилоси орқали рамзий маъноларни ифодалайди. Айна чокда, натурани ҳам аниқ акс эттиради. Шу боис, мусаввир полотнолари ўзига хос ва бетакрордир.

XX аср бошларида Туркистонда яшаб ижод қилган рассомлар

<sup>1</sup> Бу «Правда Востока» газетасида чоп этилган «Выставка работ художника А.Николаева» (1928 йил, 18 май), «10 мастерской художника А.Николаева» (Ж. Семь дней. - М., 1928. - №47) мавзуларида ва бошқа материалларда эътироф этилади.

асарларида кўпроқ ўзларининг бу ўлкадаги ўзига хос ҳаётдан хайратланишини ифодалашган. Улар ўлканинг мафтункор манзараларига, унинг одамлари турмуш тарзига катта кизиқиш билан қарагани яққол сезилади. Рассомлар Шарк эртақларига хос сирли тунлар манзараси, кундузнинг жазирамаси, турли тусларда товланувчи ранглар, нур ва соя «ўйин» ини ўзгача меҳр билан тасвирлашган.

Европа академик рангтасвир мактаби анъаналари асосида таълим олган мусаввирлар учун Ўрта Осиёнинг ўзига хос табиати, иқлими, маҳаллий халқнинг бетакрор урф-одатлари, асрлар давомида савлат тўкиб турган меъморий обидалари ва киефа-кўриниши бир-бирига асло ўхшамайдиган кишилари илхом манбаига айланган. Улар бу ўлка манзарасига беихтиёр маҳлиё бўлиб қолишган ва Туркистонда кўрганларини чанқоқлик билан полотноларига «муҳр» лашга интилишган. В.Уфимцев, А.Николаев (Усто Мўмин), М.Курзин шундай ижодкорларнинг пешқадами бўлишган. 1926 йили Тошкентда АХРРнинг филиали иш бошлаган. Агар Москвадаги АХРР аъзолари «қахрамонона реализм» тамойилига амал қилган ҳолда шўролар мафкурасини мадх этувчи мавзуларни тарғиб қилишган бўлса, Тошкент филиали рассомлари дастлаб шўроларнинг расмий мафкуравий ғояларини ташвиқ этишга унчалик жиддий ҳаракат қилишмаган. Шу билан 1928-30 йилларда вақтли матбуотда АХРРнинг филиали фаолияти тўғрисида катор танқидий мақолалар чоп этилган<sup>1</sup>. Аммо профессор А.Миронов АХРР аъзоларининг кўргазмаларидаги ютуқ ва нуқсонларга ҳолисона баҳо берган. У рассомлар ижодига баъзий концепция нуқтаи назаридан ёндашиб, реал дунёни аниқ ифодалашнинг ўзига ҳосликлари хусусида тўхталиб: «Биз И.С.Казаков асарларида ранг-баранг, ёркин бўёқлар гаммасини кўрамыз. Бурцев асарларида нисбатан майин ва сараланган ранглар қоришмасидан иборат ранглар гаммасини, П.Жирнов асарларида эса таъсирчан, жозибали ранг-барангликни кўрамыз» деган.

1920 йиллар охирида республика рассомлари сафига П.Беньков, Н.Кашина, З.Ковалевская каби етук рангтасвирчилар келиб қўшилган. Улар ўзларининг жўшқин ижодий фаолияти билан Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига янги даврни бошлаб беришди. Масалан, П.Беньковнинг 1928 йилда бу ўлкада яратган илк асарлари – «Хива бозори» ва «Узум бозори» картиналарида, А.Волковнинг ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар гавдалантирилган полотноларида уларнинг бу ўлка тўғрисидаги дастлабки таассуротлари эҳтирос билан хикоя қилинган. П.Беньков А.Волковдан фаркли ўлароқ, асарларида қайноқ ҳаёт воқелигини тўлақонли ифодалаб, яхлит композиция яратишга эришган. Мусаввирнинг ўлка ҳаёти ҳаққоний акс эттирилган картиналари республика тасвирий санъати тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. П.П.Беньков ўз асарлари билан тасвирий

санъатда Туркистон маиший ҳаёти ва табиатини акс эттиришда янги саҳифа очди. Мусаввир ўлка тасвирий санъатига импрессионистлар эришган ютуқларни биринчилар қаторида олиб киришга, уларни маҳаллий турмуш ҳодисаларидан олган илк таассуротлари билан уйғунлаштирган ҳолда тасвирлашга эришди. Умуман, П.Беньковнинг Ўзбекистон тасвирий санъати шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир.

АХРРнинг Тошкент филиалига аъзо мусаввирлар асарлари ҳаётдан бирмунча узоқлиги ва улар ижодининг мавзу доираси бир қадар тор экани танқид қилинди. Ушбу филиал белгиланган дастур асосида фаолият олиб бормагани туфайли 1930 йилда тарқатиб юборилди. 1932 йилдан унинг ўрнида АГИТПРОП ташкилоти фаолият бошлади. Лекин бу пайтга келиб, тасвирий санъат асарларида меҳнат жабҳасидаги муваффақиятлар ва ғалаба мавзуси асосий объектга айланган эди. Соцреализм «қолип»идаги бу асарларда «социализм ғалабаси» ифодаланган эди. Лекин орадан кўп ўтмай, «Мастера нового Востока» ва «Аризо» гуруҳларининг жадал фаолияти туфайли АХРРнинг етакчилигига путур етди. «Аризо» гуруҳи аъзолари кундалик ҳаётга фаол аралашиб, фабрика ва заводлар жамоалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, байрам кунлари шаҳарларни безаш, маҳаллий ёшлар орасидан иқтидорлиларини танлаб, тарбиялашга катта ҳисса қўшишди. 1930 йилда «Аризо» гуруҳи аъзолари «Миллий инкилоб санъати йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтказишган. Унда М.Курзин ва С.Малът каби мусаввирлар маъруза қилишган. 1920 йиллар иккинчи ярмида «Правда Востока» газетасида ва «Семь дней» журнали саҳифаларида «Аризо» вакили М.Курзин асарларидан репродукциялар чоп этилган. Улар натурадан ишланган диний мавзудаги ҳажвий қаламчизгилар ва сиссий плакатлар бўлиб, мазкур асарлар ўзининг кескин экспрессив услуби билан диққатни жалб этади. Рассомнинг ушбу асарларида худбин, манфаатпараст кимсалар кескин танқид қилинган. Бу йилларда рассомлар қайси гуруҳ ва бирлашма аъзоси эканидан қатъи назар, замонавий ҳаётни ифода этишга интилишган. Бу хусусият фақат М.Курзин, О.Татевосян, С.Малът ижодидагина эмас, балки А.Волков, А.Николаев (Усто Мўмин) каби мусаввирларнинг 1920 йиллар иккинчи ярмида яратган асарларида ҳам яққол кўзга ташланади.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда яшаган А.Зоммер, В.Верешчагин, И.Казаков, А.Засивенко каби рассомлар кўпроқ академик услубда ишлайдиган сайёҳ рассомлар анъаналари асосида ижод қилишган. XX аср бошида Европанинг П.Пикассо ва А.Матисс каби етакчи мусаввирлари асарларига хос услуб ҳам аста-секин ўлка тасвирий санъатига кириб кела бошлаган. Аммо бу даврда Ўзбекистонда яшаб ижод қилган рассомлар Европа санъати андозаларидан шунчаки нусха кўчиришмаган. Улар европалик рассомлар асарларига хос ифода услублари асосида шарқона ҳаётни гавдалантиришга интилишган. Бу жиҳатдан, айниқса, П.Беньков, А.Николаев (Усто Мўмин), О.Татевосян, Н.Кашина асарлари алоҳида ўрни

<sup>1</sup> «Выставка АХРР» («Правда Востока» газетаси), «Средняя Азия в живописи выставки АХРР» («Правда Востока» газетаси), «Мы приветствуем выставление «Правда Востока» по поводу АХРР» («Правда Востока» газетаси), «Молодые АХРРовцы» (Ж. «Семь дней» – 1928 г.) «Возрождение из АХРР» («Как культивировали искусство по потребности машинизма» («Комсомолец Востока» газетаси).

тугади.

Картина сюжети муаммоси XX аср рангтасвир санъатида долзарб масала саналган. Чунки ушбу муаммо композициянинг ички тузилишидан тортиб турли йўналишлар, оқимлар, ижодкор услуби, унинг маҳорати каби масалаларга камраб олади. Айрим асарларда рассомнинг интуитив ички сезгилари таъсирида сюжет баъзан кўзга ёркин ташланмайди. Аслида эса сюжет ҳар қандай картинанинг мундарижасини белгилловчи зарур асос саналади. 1920-йиллар иккинчи ярмида АХРР томонидан илгари сурилган дастур, рассомларнинг ҳаётга яқинлашиши, воқеаларни ҳаққоний ифода этишга бўлган даъват, “янги тузум” барпо этилиши туфайли ҳаётда юз бераётган ўзгаришларни ифода этишга интилиш каби омиллар сюжетнинг композициядаги родини янада кучайтирди. Картиналарда сюжетни ифодалаш, ҳаётнинг фактини қайд этиш биринчи ўринга чиқди. Рассомлар давр илгари сурган мавзуларни бўрттириб тасвирлашга алоҳида аҳамият бердилар. Асарларда мавзунини турли сюжетлар асосида акс эттириш, кундалик турмушдан олинган таассуротларни ифода этишга эътибор ортди. 1920-30-йилларда Н.Кашина, А.Волков, В.Уфимцев, шунингдек, М.Курзин ижодида ҳам бу биринчи планга чиқди. 1920 йиллар биринчи ярмида бу рассомлар авангард йўналишида ижод қилишган. Шунинг учун улар турли оқимларга хос шаклий унсурларга алоҳида аҳамият беришиб, асарнинг мазмунига унчалик эътибор қаратишмаган. Картинада сюжет биринчи планга чиқиши учун мазмунга алоҳида эътибор бериш зарур. 1920 йилларда А.Волковнинг кубо-геометрик йўналишдаги тажрибалари, ранг танлаш борасидаги мураккаб изланишлари унинг асарларида сюжетнинг хира, маъхум бўлиб қолишига олиб келган эди. Авангард рассомнинг ташқи таъсирларга берилмаган асарларида унинг руҳий кечинмалари ёркин ифодаланган. У воқеликни қандай хис қилган бўлса, шундай ҳолда тасвирлайди. Авангард рассом ташқи таъсирлар «юк»ни остида қолмагани учун асарларида воқеликни ўзига хос тарзда кўрсатади. Н.Кашинанинг Ўзбекистонда яратган дастлабки картиналари, хусусан, «Сирдарёдан ўтиш» (1927), «Фарзанднинг тақдирини башорат қилиш» (1927) асарлари ҳамда В.Уфимцевнинг 1920 йиллардаги авангард йўналишдаги асарлари шундай салмоққа эга. Бу каби асарлар 1920 йилларда Ўзбекистон рангтасвиридаги жиддий ўзгаришларни намоян этади. Ўзбекистонга келиб, ижод қилган рассомлар асарларида турли мактаблар, оқимлар таъсири намоян бўлди. Турли ижодий муҳитда тарбия топган, инсон образини, ҳаёт воқелигини ифода этишда хилма-хил услубларини намойиш қилган рассомларнинг ижод қилиши тасвирий санъатга хос турли услубларнинг пайдо бўлиши учун кенг имконият яратди. О.Татевосян, А.Волков, Н.Карахан, Н.Кашина, В.Уфимцевнинг 1910-20 йиллардаги изланишлари шундан далолат беради.

Рангтасвир ҳаётни ўрганиш, картина эса уни турли ранглар орқали ифодалашдир. Рассом картинада ўзининг ҳаётдан олган таассуротларини

хилма-хил ранглар воситасида турли шакл, услубларда акс эттиради. П.Новиков, Р.Зоммер натуралистик йўналишда, А.Волков эса кубо-геометрик йўналишда картиналар яратди. Ўзбекистон тасвирий санъатида картина жанри ранг-баранглик касб этди.

XIX аср охири – XX аср бошларида классик-модерн йўналишдаги мактаблар руҳида ижод қиладиган рассомларнинг Ўзбекистонда тўпланиши, бу ерда дастохли рангтасвир картина жанрининг шаклланишини тезлаштирди. Турли йўналиш, оқимларга мансуб рассомларнинг Ўзбекистонда йиғилиши туфайли бу ерда ижодий муҳит кучайди. Европа тасвирий санъатига хос тамойилларни чуқур ўзлаштирган рус рассомларининг анъанавий Шарк санъати тамойиллари билан танишуви, уч ўлчамли Европа тасвирий санъати ифода усулларини ўзида мужассамлаштирган рангтасвир асарларининг яратилиши ўлкада ўзига хос замонавий янги тасвирий санъат муҳити шаклланишига олиб келди.

**Тадқиқотнинг иккинчи боби «Ўзбекистон рангтасвиридаги реалистик услубий изланишлар»** деб номланади. Унда «социалистик реализм» ҳукмронлик қилган даврда яратилган картиналар таҳлил қилинган. Шунинг алоҳида қайд қилиш керакки, санъат ҳеч бир замонда мафкурадан бутунлай холи бўлмаган. Ҳамма замонларда ҳам рассомлар ўз асарларида ҳаётдаги ижтимоий ўзгаришларни акс эттиришган.

1930-йилларда танқидчиликда санъат асарларига вулгар-социологик нуқтан назардан қаралган. Шу боисдан мусаввирларнинг шаклий изланишлари «формализм» деб талқин қилинган. Танқидчилар санъатдаги турли услуб ва йўналишларни социалистик реализм «қолип»га солишга уриниб, асарларни унга шу «қолип»га мос келмаган ижодкорларни формализм, кубизм, импрессионизм, футуризмга берилишда айблашган.

1930 йиллар тасвирий санъатида ҳам 1920 йиллар тасвирий санъати таъсири сезилади. 20-йиллар иккинчи ярмидан тасвирий санъат тантанавор расмий, сиёсий тус олди. Соцреализм услубини жорий этиш учун кураш бошланиб, бу жараён 1930 йиллар иккинчи ярмидан кучайди. Масалан, ўша давр матбуотида «Формалистларнинг шовкин-суронли вайсаши, танқидчиларнинг дод-войи совет реалистик санъатининг жўшқин тараққиётини тўхтатолмади. Улар социалистик қурилиш билан курашиб, ўлимга маҳкум бўлган формализмни сақлаб қола олмади»<sup>1</sup> дейилган.

1936 йилларда «Правда» газетасида ҳам совет санъатида социалистик реализмнинг қарор топиши учун изчил курашни давом эттиришга даъват этиб, формализмнинг мусика, адабиёт, рангтасвирда кўринишларини кескин танқид қилган мақолалар эълон қилинган. Ушбу мақолалар Ўзбекистон санъатининг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасидаги мунозараларда ўз ижодини шўро мафкураси мезонларига мувофиқ қайта кўриб чиқишни хохламаган маҳаллий формалистлар танқид остига олинган. Газета-журналларда А.Волков,

<sup>1</sup> М.Мқинд, Изобразительное искусство Узбекистана- Т.-1957.- с. 88

Н.Маркова ва бошқа рассомлар каттик танкид қилинган мақолалар босилиб чиққан<sup>1</sup>. Жумладан, маҳаллий матбуотда «А.Волковнинг ранглар бузиб талкин қилинган, социалистик санъатга ёт асарлари социалистик воқелигимиздан тамоман йироқ бўлиб, улар мамлакатимиз кишилари ҳаёти ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади»<sup>2</sup> деб ёзилган.

1930 йиллар биринчи ярмида рассомлар ишлайдиган, уларни бирлаштириб турган комбинат бўлган. Комбинатда рассомларга асарларнинг мавзуси қатъий белгилаб берилган. Шу боис рассомлар бу ерда буюртма асосида давр мафқурасига мос тарғибот-ташвиқот йўналишидаги асарлар ишлашган.

1930 йилларда пайдо бўлган «социалистик реализм» тушунчаси дастлаб тор маънода талкин қилинган. У пайтда рассом муайян ташкилот ёки корхона учун аниқ буюртма асосида ишлаган. Бадий ҳайъат бу ишлардан бадийликни эмас, балки гоъвийликни, унинг «кенг халқ оммасига» тушунарли бўлишини, натурани аниқ эътиришни талаб қилган. Фотографиядан ишлаш авж олган, натурасиз ишлаш айб деб ҳисобланган. Хона ичидаги «ёруғ-соя» конун-қоидалари, ўқитиш жараёнида талаб қилинганидек, бу буюртма ишларда ҳам рассомларнинг асосий таянч нуқтаси, ижод манбаи деб қаралган. Шу конун-қоидаларга мос келмаган, шундай талабларга жавоб бермаган ишлар формализмга берилишда айбланган ёки уларга бошқа тамғалар босилиб, социалистик ҳаётга ёт, дея баҳоланган.

Бу даврда «авангард» «ўтмишдан юз ўғиритиш» деб тушунилган авангард санъати ҳаёти тасвирлаш борасида янги йўналиш, услуб эканлиги инкор қилинган.

1930-йилларда яратилган картиналарда жамиятдан, ўз турмушидан хурсанд бўлиб, байрамона кайфиятда юрган кишилар образи гавдалантирилган. Уларда жамоа бўлиб, меҳнат қилиш мадҳ этилган. Шу боисдан кўпгина асарларда ижодкор рассомнинг эмас, балки бир қолитда ишлайдиган ҳунарманднинг кўли сезилади. Буюртмачининг хоҳишини қондиришга йўналтирилган, унинг дидига мослаб ишланадиган картиналар кенг тарқалган. Фақат Ў.Тансиқбоев асарларида ҳаёт воқелиги санъат даражасида акс эътирилган. Бу даврда шўро давлати санъатида соцреализм тантана қила бошлаган. Германияда муайян гуруҳнинг хоҳишига мос услуб, Америкада маълум муҳитга тааллуқли (регионал) услуб вужудга келган. А.Волков 1920 йилларнинг биринчи ярмида футуристик йўналишда асарлар яратган. Кўпгина санъатшунослар А.Волковни авангард йўналишига мансуб рассом сифатида эътироф этишган. У кубо-футуристик йўналишдаги асарларида Н.Розонова, Л.Попова, Экстер, М.Ларионов, К.Малевич асарларига тақлид қилган. Улар эса ўз навбатида, немис, итальян футуризмидан таъсирланишган. Авангард санъати воқеликни, табиатни бошқача тарзда кўрсатишга асосланади. Сюрреалистлар эса дунёни

ўзгартириш, уни бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказишни ёқлашади. А.Волков атроф-муҳитдан таъсирланиш натижасида пайдо бўлган туйғуларини геометрик чизиқлар орасига жойлаштириб, уларни шартли шакллар тизимида ифодалайди. Геометрик шакллар рассомга воқеа-ҳодисаларга турли томондан ноанъавий тарзда ёндашиб, уларга ён томондан, юқоридан ва пастдан қараб, қисқартириб, бўрттириб кўрсатиш асосида уларнинг яширин, мавҳум жиҳатларини очиш имкониятини беради.

Авангард йўналиш ижодкорнинг ўз туйғуларини турли шакл ва услубда акс эътиришидир. У мавжуд воқелик таъсирида онгда пайдо бўлган манзараларни янги нуқтаи назардан талкин қилиш, унга янгича нигоҳ ташлашдир. Авангард дадаизм йўналишида ҳам муайян даражада ўз аксини топган. Фрейдизм эса рассом туйғуларининг мавҳум шарпаси асосини тапкил этади. Масалан, М.Дюшан реалистик шаклларни тўла эътироф этган. Рассом 1916 йилдаги туркум изланишларида асар мазмунини унга асос бўлган объектдан ажратиб олиб, талкин этади. Бу тасвир услуби янгича услубдир. Буни авангард йўналишидаги ўзига хос инкилобий йўналиш дейиш мумкин.

А.Волков 1920 йиллардаги мафқура тазйиқи гуфайли воқеликни реал шаклларда талкин қилишдан воз кечиб, туйғуларини турлича шаклларда талкин этган. У бу йўналишдаги изланишларининг якуни сифатида «Анорли чойхона» картинасини яратган. Бу асар М.Экстер, М.Ларионовнинг 1912 йилги асарлари руҳида ишланган. А.Волков ижодига В.Гончаровнинг 1912-13 йиллардаги изланишлари таъсир қилган. Буни рус классик футуристик услуби таъсири дейиш мумкин. Модернизм кенг қўламдаги ифода йўли бўлиб, авангард унинг бир қирраси, кўринишидир. Кубизм ҳам модернизмнинг ичидаги оқимдир. Кубизм 1907-йилда Европада вужудга келган. Кўп ўтмай, у экспрессионизм йўналишига ўз мавқенини бўшатиб берган. Футуризмдан аввал дадаизм йўналиши юзага келган. 1950-60 йиллардаги неоавангард оқими янги авангард демақдир. Постмодернизм ҳам шу тарзда юзага келган.

П.Беньков ижоди уруш йиллари Ўзбекистон тасвирий санъатида алоҳида ўрин тутди. Бу даврда мусаввир ўзининг юксак истеъдодини тўла намоян қилган. Рассом картиналарида воқеликни аниқ гавдалантириб, кишилар қиёфасини таъсирчан акс эътирган. П.Беньков Ўзбекистон табиати, унинг заминига мос рангларни юксак маҳорат билан қўллаган.

XX аср 40-50-йилларида ижтимоий ҳаётда шахсга сифиниш авж олиши натижасида тасвирий санъатда ҳам сунъий дабдабабозлик, воқеаларни ҳасиўшлаб кўрсатиш, мавжуд муаммоларни инкор этиб, ҳаётни байрамона руҳда тасвирлашга мойиллик кучайган.

Дастгохли рангтасвирда 1950 йиллардан жанрларнинг ўзаро яқинлаша бошлагани сезилади. Портретларга манзара жанрига хос, натюрморт ва манзара жанридаги асарларга эса портрет жанрига хос деталларни олиб

<sup>1</sup> М.Мюш. Изобразительное искусство Узбекистана- Т-1957.- с. 89.

<sup>2</sup> М.Мюш. Изобразительное искусство Узбекистана- Т-1957.- с. 89.

кириш кучайган.

Ю.Елизаров, Р.Ахмедов, Н.Қўзибоев, М.Саидов, Т.Оганесов, В.Зеликов, В.Ковинин каби мусавирлар Москва, Санкт-Петербург ва Харьков бадий олий ўқув юр்தларини тутатиб, Ўзбекистонга қайтгач, ўзбек тасвирий санъатида янгича йўналишдаги картиналар пайдо бўла бошлаган. Бу мусавирлар Ўзбекистон рангтасвирини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришди. Лекин бу йилларда рангтасвирда тасвирий ифода воситалари кўпайиб, унда чучмал, натуралистик лавҳалар тасвири кенг ёйилди. Шундай бўлса-да, хис-туйғу уйғотувчи, ҳаётий қаҳрамонлар образи гавдалантирилган асарлар ҳам кўпайиб яратилди. Бу санъатшуносликда «комформизм» деб аталади. Йиллар ўтиши билан ушбу окимга қарши «шиддатли услуб» вужудга келди. Бу окимга мансуб рассомлар ўз картиналарида сунъий дабдабаозликдан қочиб, ҳаётдаги мавжуд муаммо ва зиддиятларни кўрсатишга интилишди.

Бундан илгарирок ҳам айрим рассомлар «конфликтсизлик назарияси»га қарши йўналишда ижод қилишган эди. Улар XIX аср рус сайёҳ рассомлари гуруҳи (передвижниклар) анъанасини давом эттириб, картинада ҳаётий эврилишлар, карама-қаршилиқларни ифодалашга, уларни ўз холида кўрсатишга интилдилар. Улар «шиддатли услуб» окими мусавирларини сингари ҳаётий ҳаққоний ифода этиши йўлидан бордилар. Лекин кўп ўтмай, бу йўналиш ҳам инқирозга учради. Бунга Н.Хрущёвнинг 1962 йили Манеждаги кўргазмада турли окимларни кескин танқид қилиши асосий сабаб бўлди.

1950 йилларда рангтасвир санъатида мавзу долзарблигига асосий эътибор қаратилиши рассомлар ижодига кескин таъсир ўтказа бошлаган. Рассомлар ўзлари учун алоҳида, кўргазмалар учун махсус картиналар чизишга мажбур бўлишган. Натўжада, уларнинг ижодида ички хиллик юзага келган. Бундан ташқари, бу йилларда мавзу долзарблигига асосий эътибор берилгани туфайли тасвирий ифода воситалари ҳам фақат сюжетни ёркинрок, таъсирлирок ифодалашга йўналтирилган. Рассомлар XX аср 1960 йилларидан мафкура исқонжасидан халос бўла боргани туфайли уларнинг картиналари ички таркиби ва ташқи композицион тузилишида ўзгаришлар рўй берган.

Ўзбекистонда дастгоҳли картина жанри мураккаб йўлни босиб ўтди. 1920 йилларда А.Волков, О.Татевосян, Усто Мўмин, П.Беньков, М.Курзин, З.Ковалевская ва Н.Кашина каби рассомлар картина жанрида самарали ижод қилган бўлса, улар сафина 1930 йилларда Ў.Тансиқбоев, А.Сиддиқий, Б.Ҳамдамий, Л.Абдуллаев каби истеъдодли рассомлар келиб қўшилди.

Лекин ўша кезларда мамлакатда ҳукм сурган сиёсий ва иқтисодий вазият дастгоҳли картина жанри ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. 1920-йилларда бу жанрда яратилган асарларда Ғарбий Европа тажрибасини ўзига сингирган рус маданияти таъсири яққол намоён бўлган. Шундай бўлса-да, «қалдирғоч» миллий рассомларнинг дастгоҳли рангтасвир асарларида шарқона ҳаёт манзаралари аниқ, равшан гавдалантирилган.

Ў.Тансиқбоев, Б.Ҳамдамий, Л.Абдуллаевнинг 1930 йилларда яратган асарларида айна шу хусусият яққол сезилади.

1926 йил АХХР нинг Тошкент филиали олдиға рассомларни ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликларни натурадан ишлаш, қайд қилишга жалб қилиш вазифаси қўйилган эди. Лекин ўша даврда Ўзбекистонда ижод қилаётган етакчи рассомлар мустақил ижодий йўлини тошган эди. Уларни тасвирий санъат алифбоси ҳисобланмиш натурадан ишлашга мажбурлаш, бу буйруқ орқали картина яратишдай гап эди. Шундай бўлса-да, П.Беньков, А.Волков, Н.Кашина, Л.Абдуллаев, Ў.Тансиқбоев, З.Кавалевская, Н.Қарахан, М.Курзин, А.Николаев (Усто Мўмин) ана шундай мураккаб шароитда ҳам бадий баркамол асарлар яратишди.

1930 йиллардан рассомлар кундалик воқеаларни социалистик реализм талаблари асосида акс эттира бошлашган. Бу даврда яратилган картиналарда давлат буюртмаси асосида завод ва фабрикалар кўриниши, ўқиш, билим олишга отланган ёшларнинг шодон қиёфаси, уларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти жараёни, ҳалқлар дўстлиги мавзулари акс эттирилган. Мазкур картиналарда асосий эътибор сюжетга қаратилган. Кундалик ҳаёт воқеалари аксарият рассомлар асарларининг асосий мавзусига айланган. П.Беньков, А.Волков, Н.Кашина, Л.Абдуллаев, Ў.Тансиқбоев, В.Ковалевская, Н.Қарахан, М.Курзин, А.Николаев (Усто Мўмин) каби рассомлар картиналарида ҳаёт воқелиги ҳаққоний гавдалантирилган.

Санъат ҳамиша жамиятнинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ тарзда ривожланади. Чунки у ҳаётда рўй берган ўзгаришларни акс эттиради. Шўро даврида социалистик реализм ижодий услубида картина яратиш бўйича иттифоқдош республикалар рассомлари ўртасида ўзига хос мусобақа бор эди. Бу рақобат муҳити тасвирий санъат ривожига муайян таъсир кўрсатган.

Ч.Аҳмаров, Ш.Ҳасанова ўз асарларида «сайёҳ рассомлар» услубини инкор этишган.

Ҳар бир даврда ҳукмрон мафкура санъат ривожига ўз таъсирини ўтказиб келган. Ўзбекистонда ҳам дастгоҳли картина жанрида яратилган дастлабки асарларнинг мавзуси ҳукмрон мафкура томонидан белгиланган эди. Аммо ижтимоий ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, истеъдодли рассомлар ҳамиша асарларида ўзларининг ички туйғу ва кечинмаларини ифодалашга интилишган. Шу боисдан тасвирий санъат муайян даражада ривож тошган.

1950 йиллар бошида бир гуруҳ рассомлар (Р.Ахмедов, М.Саидов, Н.Қўзибоев, В.Зеликов, Т.Оганесов) касбий билим ва маҳоратларини Санкт-Петербург олий ўқув юр்தларида ошириб қайтдилар. Бу ҳам Ўзбекистонда дастгоҳли картина жанри ривож топишига, унда миллий руҳ теранрок акс этишига олиб келди. Бу хусусият, айниқса, Р.Ахмедов асарларида яққол кўринади. М.Саидов ижодида ҳам сюжетга драматик ҳолатларни олиб кириш, кишлоқ ҳаётини, миллий характерларни аниқ акс эттириш, картинада

тарихий мавзунни ёркин гавдалантириш каби хусусиятлар кўзга ташланади. Бу даврга келиб, Р.Аҳмедов, М.Сайдов, М.Кўзибоев, Т.Оганесов, В.Зеликов, Ю.Елизаров каби истисодли рассомлар реалистик тасвирий санъат асосларини пухта эгалладилар.

Бу мўйкалам соҳибларининг ижоди ёш рассомлар учун мавзу ва йўналишни белгилаб берди.

Бу даврда санъатда хукмрон бўлган соцреализм ижод эркинлигини исканжага олиб, ижодкорларни ҳаётни бир томонлама ёритишга мажбур этиб, ранг-баранг мавзудаги асарлар пайдо бўлишига қанчалик тўсқинлик қилмасин, ўзбек тасвирий санъатининг картина жанрида XX аср бошидан то 1960 йилларигача бўлган ораликда ўзига хос жиддий ўсиш, ривожланиш юз берди.

1960 йилларга келиб, рассомлар ижодида авангард йўналишдан бирмунча узоклашиш, ҳаётни «социалистик реализм» «қолип»ида тасвирлашга интилиш кучайди. Бу ҳатто, А.Волков, Н.Кашина, М.Курзин, Ў.Тансиқбоев каби мусаввирлар ижодида ҳам сезилди.

**Диссертация ишнинг «Картина жанри ривожининг асосий йўналишлари»** деб номланган учинчи бобида 1960-80-йилларда яратилган картиналар таҳлил этилади. Б.Ҳамдамий, А.Сиддиқий каби кўпгина рассомлар урушда ҳалок бўлган, П.Беньков, М.Курзин, А.Волков каби stackи ижодкорлар вафот этган бўлса-да, Ўзбекистон тасвирий санъатида картина жанри ривожланишдан тамоман тўхтаб қолмади. 1950 йиллар бошида собиқ Иттифокнинг олий бадийий ўқув юрларини битириб келган истисодли ёш мусаввирлар ижоди туфайли ўзбек тасвирий санъатида янада жонланиш рўй берди. Бадийий ижодда профессионализм сезиларли даражада ўсди. Уларнинг картиналари мазмундорлиги, таъсирчанлиги, ҳаётнинг турли жабҳаларини ёркин ифода этиши билан диққатни жалб этади. Айни картиналар Ўзбекистон тасвирий санъатига янги раҳ олиб кирди. Юксак бадийий картиналар майдонга келиши учун замин ҳозирлади.

1950 йиллар биринчи ярмида шахсга сиғиниш қоралангани туфайли сиёсий ҳаётда бир оз ўзгариш пайдо бўлди. Натижада, рассомлар ижодида ҳам эркинлик юзага келди. 1960 йиллар бошида ташкил қилинган «Ўзбекистон рассомларининг янги асарлари» кўргазмасида бу ўзгариш аниқ намоён бўлди.

Бу даврда Москва ва Ленинград шаҳарларида тез-тез турли маданий тадбирлар, декадалар ўтказилган. Бу ўзбекистонлик рассомлар ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатган.

«Илиш» даври бошланиши билан соцреализм услубида ҳам ўзгаришлар юзага келди. Рассомларнинг янги раҳ ижодий изланишлари учун бир оз йўл очилди. Улар қотиб қолган академик қоилалардан, ғоявий «қолип» талабларидан чекиниб, ўз хис-туйғу, фикр-ўйларини бирмунча эркин ифода қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бу картина жанридаги асарлар мавзуси, мазмунини ва композициясига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ижодкорлар

картиналарда анъанавий «қолип»лардан аста-секин чекиниб, ранг-баранг бўёқларда ўз туйғуларни эркин ифодалашга интилишди.

1960 йилларда тасвирий санъатда ҳаёт ҳодисаларини турли ифода воситалари орқали акс эттиришга интилиш кучайди. Рассомлар чет эл сафарларига чиқиб, Европа тасвирий санъати намояндалари ижоди билан танилиш имкониятига эга бўлдилар. Масалан, 1960 йилларда француз импрессионистлари таъсирида рассом Ю.Талдиқиннинг ранглар палитраси бирмунча бойиди. Унинг асарларида ранглар таъсирчанлиги, жозибаси ортиб, маъно теранлашди. Рассомнинг «Гилам бозори», «Окгош» полотноларида ҳаёт манзаралари тасвири теранлашиб, жозибадорлиги ортди. В.Бурмакин ижодига («Йўлда», «Тракторчи оиласи» ва б.) немис экспрессионистлари асарлари катта таъсир кўрсатди.

Г.Улько асарларида («Панжикент фрескаси», «Сув» асари) олис тарихимизга мурожаат қилиш яққол намоён бўлди. Н.Кашина шарқона руҳни рамзий белгилар воситасида шойрона ифода этди («Самарқанд мадоннаси»). Р.Аҳмедов шойрона руҳ билан суғорилган асарлари («Оналик», «Тонг»), ни ярата бошлади Р.Чориев шарқ миннаторларидан илҳомланиб, ижод қилди ва ўзига хос шарқона услубини топишга муваффақ бўлди («Келин»). Б.Бобоев «жиддий услуб»га мансуб «Тўхташ жойи» туркумидаги изланишларидан сўнг, Ўзбекистон тарихига бағишланган «Фаргона сюитаси» учлигини яратди. В.Фадеевнинг «Қоровул аёл», З.Иноғомовнинг «Чойга» асарлари эса миллий руҳга йўғрилганлиги билан эътиборни торғиди.

Анъанавий мумтоз рангтасвир шакл ва мазмун бирлигига асосланади. Айрим рассомлар картина яратишда рангларнинг товланишига эришиш ва аниқ ечим яратишга асосий эътибор беришса, яна бир гуруҳ рассомлар ранглар товланишининг ўзини муҳим деб ҳисоблашади. Ю.Елизаров шундай рассомлар сирасига қиради. Ў.Тансиқбоев эса картинада ранглар товланиши ва тонал ечимни муҳим деб биладиган рассомлар гуруҳига қиради. У рангларнинг турлича товланишини жуда нозик хис қилган ва уни картиналарида аниқ намоён этган. Ю.Елизаров сингари рассомлар картиналарида рангларнинг турлича товланишини ифодалашга асосий эътибор берилган. Ҳар иқкала рассомнинг асарлари ҳаёт воқелигини ўзига хос тарзда таъсирчан гавдалантиради. Аксарият рассомлар рангтасвир технологиясини чуқур билмаслиги туфайли ўз асарларида шундай таъсирчанликка эриша олмайдди.

Ю.Елизаров асарларида француз импрессионистлари таърибасини К.Юоон ижоди орқали талқин этиш хусусияти кўринади («Пахтакорлар ва олимлар ҳамкорлиги»). М.Сайдовнинг «Аския», «Ойла, Тонг», «Саводсиликни тугатиш», «Ғалати одамлар», «Ҳамза актёрлар даврасида» асарларида халқчиллик руҳи, миллий ўзига хослик мавжуд.

Мавзу доираси кенгайтгани (В.Жмакин, В.Соседов), реалистик психологизм, инсон ички дунёсини теран ифода этиш, замондошларнинг

типтик кўринишини Европа реалистик мактаби аъёналарига хос чизгиларда (Р.Чориевнинг «Менинг замондошим» портрети каби) акс эттириш, ўша давр ўзбек тасвирий санъатининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири саналди.

Картина жанрида асар яратиш мусаввирлардан катта тажриба ва ижодий маҳорат талаб қилади. Унда мусаввир ҳаёлини узоқ вақт банд қилган ҳодисалар умумлашиб, ўз аксини топади. 1970-йилларда кўрсатма ва бюртомалар асосида «давр руҳи»ни ифодаловчи, мазмуни саёз, катта ўлчамдаги мавзули картиналарни яратиш урф бўла бошлади. Ўша кезларда давлат бюртомасидан келиб чиқиб, паранжи ташлаш, синфий қарама-қаршиликни кўрсатиш, ўтмишни қоралаш, дохийларни улуглаш, инкилоб мавзуси ва коммунистик партия ғояларини тарғиб қилувчи асарлар пайдо бўлди. Жумладан, И.Енин, В.Жмакин, М.Саидов, В.Бурмакин ва бошқа рассомлар ижодида бу хусусият сезилади. Ч.Ахмаров изланишларида эса Шарк тасвирий санъатига хос ифода услуби ёркин намоён бўлди. Ж.Умарбеков Шарк ва Ғарб тасвирий санъати аъёналари уйғунлаштириш асосида «Менинг дўстим» композициясини яратди. Бундан ташқари, у жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Шарк ва Ғарб донишмандларининг қиёфасини «Мен инсонман» картинасида тавдалантирди. Ш.Абдурашидов каби шарқона руҳни чуқур ҳис қилувчи рассомларнинг (масалан, А.Юнусовнинг «Менинг ҳовлим» туркумида) изланишларида ҳам миллийлик ўзига хос тарзда намоён бўлди.

Картина яратиш учун бирор воқелик таъсирида мусаввир қалбда ҳаяжон туғилиши, руҳий кўтаринкилик бўлиши керак. Манзара ёзиш учун эса табиатдан ракурс танлаш ва таассуротларни матога жонланштириш даркор.

Картина рассомнинг ҳаётдан олган таассуротлари, унга таъсир кўрсатган, ҳаяжонга солган воқеалар, ҳолатлар асосида пайдо бўлади. Ижодкор картинада ранглар орқали ҳаётнинг муайян воқеасини, кишиларнинг ҳаракат, ҳолат, кайфиятини сўзлаб беради. Рассом картинада ўз ҳаёлини банд қилган «слайд»ни чизиб кўрсатади. Натура асосида картина яратиш эса ижодкордан муайян жисмоний ва руҳий ҳаракатни тақозо қилади. Картинада рассом ҳаёт ҳодисаларини ҳаёлида синтезлаштириб, кучайтириб, бўрттириб кўрсатади.

«Қайта қуриш» йилларида картина жанрининг мазмуни, композициясида ижодий ўзгаришлар юз берди. М.Тахтаев, В.Охунов, Б.Жалолов, А.Мирзаев, С.Алибеков, Ж.Умарбеков, К.Одилов, А.Турдиев, А.Шоржонов каби рассомлар ижодида бу яққол кўринди. М.Тахтаевнинг мураккаб руҳий ҳолатларни акс эттирувчи сюрреалистик изланишлари, В.Охуновнинг Марк Шагал асарлари таъсирида борлиқни шоирона идрок этиш асосида яратган картиналари ҳам бу давр ўзбек тасвирий санъатида ўзига хос ўрин тутди.

Слайд асосида ишлашга қараганда, натуранинг ўзидан ишлаш рассом учун анча осон. Чунки натурани ўрганиш жараёнида кўп нарсани кўриш

мумкин. Қора-оқ фотосурат асосида яратилган асар эса томошобинда кучли таассурот қолдирмайди. Картина яратиш учун мусаввир қалбда ҳаяжон туғилиши, руҳий кўтаринкилик, илҳом керак. Чунки картинада ҳодисаларни жонланштириб, кучайтириб кўрсатиш керак. Агар бу йўналиш пухта ўзлаштирилса, натурадан гиперреализмга, ундан эса абстракцияга ўтиб кетиш мумкин. 70-йилларда картиналарни аъёнаний услубда ишлаш бирмунча сусайгани, лекин ранглар хилма-хиллигига эришилгани ва асарлар композицион ечимда эркинлик кўзга ташланади. Қаламтаъсирда эса кўпқиррали вариациялар кўпайиб, сюжетга эътибор сусайгани, борлиқни механик равишда матога кўчириш кучайгани сезилади.

Бу кезларда Ўзбекистон тасвирий санъатига кириб келган ёшларнинг кўпчилиги академик услубда ижод қилишдан йироқ бўлишган. Яъни улар картина яратиш учун объектни бир неча ой кузатиб, этюд чизиб, материал тўплашмаган. Улар картиналарида ифодаламоқчи бўлган кўринишни фотосуратга олиб, унинг рангларини аниқлаш мақсадида қисқа вақтга этюд ишлаш учун чиқиб, асар ишлаш йўлига ўтиб олишган. Картинани бу йўлида яратиш эса ҳаёт ҳақида сунъий, ясама репортаж ёзишдай гап. Афсуски, айрим рассомлар картина яратишда шу каби осон ва енгил йўлни танлаб, слайдизм, монтаж, рангли фотосуратлардан фойдаланишни афзал билмоқдалар.

Техник воситалардан фойдаланиб, аэросъёмка орқали суратга олинса, галати манзаралар, ранглар мажмуаси, кўринади. Тасвирий санъатда шу гаройиб манзара, кўринишларни тўғридан-тўғри матога кўчириш орқали туркум картиналар яратиш тенденцияси пайдо бўлди. Масалан, Ж.Умарбеков Жазоирда суратга олган фото, рангли слайд ва бошқа материаллари асосида ўнлаб картиналар яратди. З.Саиджонов, В.Барноев, М.Абдуллаевлар каби бир гуруҳ бухоролик рассомларнинг 1980 йиллардаги ишлари экспрессионизм йўналишига мансуб бўлиб, бу Ўзбекистон рангтаъсирда янги, соф оқим эди. Р.Чориев санъат учун сидқидилдан хизмат қилган, унга бутун ҳаётини бағишлаган рассом сифатида қадрлидир. В.Мельниковни шоирона руҳдаги асарлар яратган ижодкор сифатида биламиз.

Слайд асосида ишланган асарда рассомнинг ҳиссиёти, унинг ижодий тафаккури иккинчи даражали бўлиб қолади. Натижада, қолипга тушган ҳаёт лавҳалари картинада биринчи планга чиқиб қолади. Репортаж ёзган каби тайёр слайд асосида картина яратиш, кинокадр шаклидаги рангли таъсирларга қараб, асар яратиш картинани жўнлаштириб қўяди.

Таъсирчан картина яратиш учун ижодкор аввало мавзу танлаши, уни чуқур билиши, воқелиқни узоқ ўрганиши, тасавурида ҳаётнинг типик манзарасини яратиши ҳамда уни турфа хил ранглар орқали ифодалаш керак. Шунда картина томошобин қалбда ҳам акс-садо бериб, уни таъсирлантиради. Ҳис-туйғудан маҳрум фотомонтажлар, турли техник воситалар орқали ишланган асарлар инсоннинг юрак тафти билан яратилган

картиналар ўрнини ҳеч қачон боса олмайди.

Шу йиллардаги аксарият санъатшунослик тадқиқотлари 1960-70-йиллар мафқурасига ҳос баландпарвоз нутқларга мос тарзда, расмийчилик асосида ёзилганини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу даврда битилган санъатшуносликка оид кўпгина тадқиқотларда рус халқининг ўзбек маданияти тараққиётига қўшган оғаларча ҳиссаси шарафига мадҳиялар ўқилган. Уларда ХХ асргача Ўрта Осиёда дастгоҳли реалистик рангтасвир бўлмаганлиги таъкидланиб, ислом дини жонли мавжудотларни тасвирлашни қатъиян ман қилгани қайта-қайта уқтирилган. Аслида эса Ўрта Осиё санъати тарихи шўролар даврида ушбу тадқиқотларда ёзилганидан бирмунча мураккаб кечган.

Ўзбекистон санъатининг шўролар давридаги тарихи эндиликда тарихий ҳақиқатга ҳурмат билан ёндашув асосида ҳар тарафлама ҳаққоний очиб берилиши керак.

1980 йиллар биринчи ярмида жамият ижтимоий ҳаётида содир бўлган кескин бурилишлар рассомлар ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу пайтга келиб, улар ўзлари хоҳлаган йўналишда асар ярата бошлаган. Чунки дастгоҳли картинада воқелик муайян фазовий кенгликда гавдалантирилади. Унда воқеликнинг очик-ойдин кўринмайдиган, ҳамма ҳам эътибор қилавермайдиган жиҳатларга турли рамз ва белгилар орқали ишора қилинади.

1986-87-йилларда В.Охунов Ўзбекистонда илк бор инсталляцион композицияларини ярата бошлади. Ўшанда мусаввирнинг бу далил интилишлари ҳаммага ҳам бирдек тушунарли бўлмаган эди. Ҳозир рассомларни ноанъанавий ҳолатлар кўпроқ қизиқтиради. Шу боисдан Э.Исҳоков камалақнинг «рангин иплар»и ўрнига занжир тортади ёки металлни қайта ишлаб, тешиб сиртига қадимий тамгаларни тушириб, яна бошқатдан қуяди. Бу-постмодернизм санъатига ҳос хусусиятдир. Айни йўналишдаги асарлар жаҳон тасвирий санъатида жуда кўп. Масалан, рассом Крикас пластмассани қуйдириб, ундан ё одам ёки ингичка сим ё чучмома ясайди ва шу асосда гаройиб манзара яратишга эришади. Унинг бу хилдаги асарлари ҳам постмодернизм санъатига ҳос. Бу рассомлар томошабинларни ўйга толдиришга, фикрлашга ундашади. Масалан, В.Охуновнинг оддий нарвонлардан иборат инсталляция асари кишига бирдан таъсир кўрсатиб, унда турли таассуротлар уйғотади. Замонавий санъат мумтоз санъатдан шу каби жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Постмодернизм санъати кишилар тасаввурини кенгайтиради.

Дастгоҳли санъат ва постмодернизм бири-бирини тўлдириб, бойитади. Демократик санъатнинг асосий вазифаси фикрлар хилма-хиллигини қарор топтиришдан иборат. В.Охуновнинг «Ёнаётган уй», «Эски тегирмон» асарлари 1980 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатига янгича руҳ бағишлаган

асарлар сирасига киради. Рангтасвирдаги бундай йўналиш «фожевий романтизм» деб юритилади. Инсон образи Ўзбекистон рангтасвирида аввал бу тарзда тасвирланмаган. Тасвирий санъатнинг ушбу йўналишдаги асарларида инсон образи анъанавий асарлардаги каби тракторчи, пахтакор, курувчи киёфасида эмас, балки ўз елкасида бутун дунё ташвишини кўтариб турган мавҳум қахрамон сифатида тасвирланади. Бу тасвир услубини модерн шеърий услубига киёслаш мумкин. Рассом инсон образининг бу ҳолатини акс эттириш учун ўзига ҳос бадиий «тил»да гапирди. У учиб кетаётган одам киёфасини уйлардан ўсиб чиқиб, улғайиб бораётгандай кўрсатади. Уй кичик, одам эса унга нисбатан катта. Бу айнан истиорага ҳос ифода. Воқеликни ноанъанавий тарзда акс эттириш, жисмларни ҳавода учиб юрган, муаллақ ҳолда мавҳум тасвирлаш ўзбек тасвирий санъатида илк бор шу даврда намоён бўлди. В.Охунов рангтасвир асарларининг умумий композицияси гобелен рангтасвирига ҳос услубда яратилади.

Ўзбек тасвирий санъатининг 1980 йиллар иккинчи ярмига ҳос характерли жиҳатларидан яна бири тасвирий санъатда 1920-йилларда кечган жўшқин изланишлар, ифода воситаларини янгича услубда қўллашга интилишнинг намоён бўлганидир. Рассомлар бу даврда ўз асарларида 1920 йилларда яратилган асарларга ҳос ифода воситаларидан ижодий фойдаланишган. Чунки саксонинчи йилларда ижодкорлар ўз ижодий имкониятларини бемалол, эркин намоён этиш учун зарур шарт-шароитга эришдилар.

Рассомлар бу даврда кундалик ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни қандай ҳис қилишган бўлса, шундайлигича ифода этишга ҳаракат қилдилар. Бу хусусият В.Охунов, С.Алибеков, М.Тахтаев, А.Турдиев, Н.Шин каби рассомлар ижодида эркин намоён бўлди.

1980 йилларда Ўзбекистон тасвирий санъатида авангарднинг постмодернизм, хепнинг, инсталляция каби турли кўринишлари (поп-арт, оп-арт ва х.к.) юзага келди. Мусаввирлар дастгоҳли рангтасвирда ҳам бадиий стук асарлар яратиш йўлида изланишлар олиб боришди. Модерн ўзбек тасвирий санъатига рассомлар учун ижодий ўзига ҳосликни намоён этиш имконини берувчи услуб сифатида кириб келди. Кўпгина рассомлар, жумладан, «23 лар» гуруҳи асарлари тижорат учун чизилгани боис уларни сотиш мақсадида катор кўرғазмалар уюштирилди. Анъанавий академик-реалистик услубда ижод қилувчи кекса рассомлар ҳам моддий манфаатни қўлаб, сотишга мўлжаллаб, кенг омма дидига мос асарлар яратишди. Натижада, рассомлар уюшмаси тизимига путур етди. Турли гуруҳлар юзага келиб, рассом ва санъатшунослар унинг таркибига қира бошладилар. Бундай носоғлом вазият рассомлар уюшмасининг тарқаб кетишига олиб келиши мумкин эди. Пайдо бўлган гуруҳларда ижодкорлар сони турлича бўлиб, айримлари йирик бўлса, баъзилари хатто, икки кишидан иборат эди. Тасвирий санъатда ана шундай мураккаб вазият юзага келган бир пайтда

турли галереялар, санъат асарлари тижорати билан шуғулланувчи фирмалар ҳам пайдо бўла бошлади. Улар асосан шахсий муносабатлар, ижодий яқинлик асосида ташкил топган эди. Поставангард ўша давр учун оралик услуб ҳисобланиб, сўнг авангард оқими юзага келди.

1990 йилларгача бўлган даврда рассомлар катта авлодининг истеъдодли намоёндалари Ўзбекистон миллий тасвирий санъати ривожини учун замин яратди. Турли рассомлик мактабларида таҳсил олган, ҳар хил оқимлар, йўналишларга мансуб бу иқтидорли рассомлар ижодига трансавангард, яъни дунё тасвирий санъатидаги кечаётган жараёнларни ўрганишга интилиш самарали таъсир кўрсатди. Бу эса республикадаги бадний муҳитни янада жонлангирди.

Ўзбек тасвирий санъатида 1980-90-йилларда миллий ўзлигини англаш, «қолип»ларни бузилишга интилиш, мавзули картиналарда қўлланиб келинган таптановор руҳдаги композициялардан аста-секин қўтилиш тенденцияси сезилади.

Ўтган 70 йиллик тарихий даврда ўзбек тасвирий санъатида янги йўналиш-дастгоҳли рангтасвир санъати пайдо бўлди. Тасвирий санъатнинг турли мактаб, оқимларига мансуб истеъдодли рассомлар ўз асарлари билан ўлкада дастгоҳли рангтасвир жанри юзага келишига асос солишди. Европа ва Шарқ тасвирий санъатига ҳос анъаналар санъатнинг бу йўналишида бир-бири билан ўзаро уйғунлашиб ривожланди. Ҳам маҳобатли санъат тури, ҳам дастгоҳли рангтасвир ёнма-ён шаклланди. Масалан, Чингиз Аҳмаровнинг Навоий театри фойесига, Б.Жалоловнинг Қўқон драма театри деворига ишлаган асарларида маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвирга ҳос хусусиятлар ўзаро уйғунлашган. Ф.Зайниддинов, Ғ.Қодиров, Ш.Маҳкамов, В.Охунов Ўзбекистонда дастгоҳли рангтасвирнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшишди. Уларнинг асарлари ўзида миллий руҳни мужассамлаштириши билан диққатни жалб этади.

Ўзбекистон тасвирий санъати дастгоҳли картина жанри ўзининг тарихий тараққиётида мураккаб йўлни босиб ўтди. У конги октябрь тўнғарилишидан кейин Туркистонда кечган жўшқин сиёсий ўзгаришлар жараёнида юзага келди ва янги бадний ижод шакли сифатида ривож топди. XX асрда А.Волков, А.Татевосян, Усто Мўмин, П.Беньков, М.Курзин, З.Ковалевская, Н.Кашина Ўзбекистон тасвирий санъатида дастлабки картиналарни яратдилар. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ўзгариш дастгоҳли картина жанрининг шаклланиши ва ривожига ўз таъсирини ўтказмаслиги, албатта, мумкин эмас эди. Октябр тўнғарилишидан кейинги дастлабки ўн йилликда бу жараёнга Ғарбий Европа санъатидан «озикланган» рус бадний маданияти самарали таъсир кўрсатди. Шундай бўлса-да, дастгоҳли рангтасвирда ижод қилган миллий рассомлар картиналари миллий руҳ, миллий колорит, миллий ўзлигини англаш ҳиссига йўғрилгани аниқ сезилади. Ў.Тансиқбоев, Б.Ҳамдамий, Л.Абдуллаевнинг 1930 йиллардаги асарлари

шундан далолат беради.

Ҳар бир давр ўз ғояси, мафқурасини тарғиб-ташвиқ этишда санъатдан фойдаланади. Ўзбекистон рангтасвиридаги дастгоҳли картина жанрининг 1940-70 йиллардаги тараққиёт йўли ҳам буни тасдиқлайди. Бу даврда дастгоҳли картина жанри мавзусини собиқ СССР даги ҳуқуқрон Коммунистик партия ғоялари белгилаб берганини изоҳлашга ҳолат йўқ. Аммо шундай бўлса-да, бу мураккаб ижтимоий даврда ҳам истеъдодли рассомлар буюртмаларни бажариш баробарида, ўз ички ижодий эҳтиёжлари асосида ҳақиқий санъат асарлари ҳам яратди.

1960 йилларда Ўзбекистон тасвирий санъатида дастгоҳли ва маҳобатли рангтасвирчиларнинг навбатдаги авлоди (Р.Чориев, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков) пайдо бўлди. Ўзбекистон дастгоҳли картинаси ривожига Р.Чориевнинг «Амирликнинг смирилиши» асари муҳим босқич ҳисобланади. Унда рассом пухта композицион ечим асосида каламчиғи тасвирларда юксак санъаткорлик маҳоратини намоён қила олган. Ж.Умарбеков 1960-80-йилларда Алишер Навоий, Камолитдин Бехзод ва Султон Ҳусайн Бойқаро образларини, кейинчалик «репродукционизм»нинг айрим таъсирлари кўринган «Мен инсонман» маҳобатли композициясини ва «Оқил инсон» картинасини яратди. Уларда Беруний, Абу Али Ибн Сино, Леонардо да Винчи, Эйнштейн каби Шарқ ва Ғарб илм-фани, маданиятининг машҳур намоёндалари образини гавдалангирган.

1970 йилларда Б.Жалолов, Ж.Умарбеков жаҳон тасвирий санъати ва маданиятида эришилган ютуқлар, мавжуд услубий йўналишларни ижодий ўзлаштириб, воқеликни ўз тасавури асосида ифодалашга интилишди. А.Мирзаев, С.Абдуллаев, Ш.Абдурашидов ҳам шу даврда ўзбек рангтасвир санъатига ўзига ҳос услубий йўналишлар, янгича мавзулар олиб кирдилар. М.Тахтаев, Й.Турсунназаров, Т.Пирматов ўз ижодларида ўлкамизга ҳос миллий колоритни, халқнинг миллий руҳини ифодаловчи манзараларни турлича услубларда акс эттирдилар. Бу рассомлар сюрреалист, авангард рассомлар услубини ижодий талқин этган ҳолда давр муаммоларини акс эттирувчи, фожий ва киновий йўналишдаги асарлар яратди. Уларнинг асарларида инсоннинг турли ҳолат ва кечинмалари гавдалангирлиб, ҳаёлий тасаввур билан ёнма-ён қўйилади ва уларга нисбатан муносабат уйғотишга ҳаракат қилинади.

1980 йилларда дастгоҳли картина жанрида ҳаётни метафорик образлар орқали янгича шакл ва мазмунда гавдалангирган асарлар яратилди. Ўзбекистон рангтасвир санъатида ҳам В.Охунов, С.Алибеков ва биринчи ўзбек сюрреалисти М.Тахтаев худди шундай асарлар ижод қилишди. Бу рассомларнинг ҳар бири ўзига ҳос тасвирий ифода услублари орқали дастгоҳли рангтасвирнинг янгича ифода имкониятларини намоён этишиб, асарларида Ўзбекистон табиати, унинг қишлари ҳаётининг таъсирчан манзараларини гавдалангирди. Уларнинг янгича услубдаги ушбу асарлари

томошабинлар эътиборини тортди.

В.Охунов картиналарида Фарғона водийсининг ўзига хос табиати, кишиларининг ҳаёт тарзи неофутуристлик услубда турли рамз-шиорлар асосида ёрқин бадиий акс эттирилган. Шу билан улар томошабинларда янги хис-туйғулар уйғотади. В.Охунов Фарбий Европа мамлакатларига борганида у ердаги инсталляцияларга қизиқиб қолди ва 1990-йилларда Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, у санъатнинг ушбу янги йўналишида асарлар яратди. К.Малевиц ўзининг машҳур «Қора квадрат»ида мумтоз рангтавир принципларини қатъиян инкор этган бўлса-да, лекин у ушбу асарда ҳам дастгоҳли картина «колип»и (яъни рамка ичида, мойбўёқ билан холстда) ва дастгоҳли рангтавир ифода воситаларидан фойдаланилган. Ҳозирги постмодернчилар эса дастгоҳли картина воситалари ва унинг бой имкониятларидан деярли фойдаланмасдан асар яратишмоқда.

Аслида инсталляция, хеспенинг ва турли бадиий акциялар дастгоҳли картина жанрига дахлдор эмас. Улар бутунлай бошқа нарсалар. Айни нарсалар кўпроқ интерьер безак санъати, сценография ва театр ҳаётига, яна ҳам аниқроғи, турли шоуларга тегишлидир.

Ўзбекистон рассомларининг дастгоҳли картина жанридаги барча асарлари ҳам талабларга жавоб беравермаса-да, лекин жанрнинг ривожланиш жараёни давом этмоқда. Истеъдодли рассомларнинг ҳар бир авлоди бу жанрнинг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Тадқиқотнинг тўртинчи боби «Мустақиллик даври ўзбек рангтавирининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш йўллари»** деб номланади. Мустақилликка эришилиши рассомлар ижодига ҳам кўтаринки рух ва эркинлик бағишлади. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Марказий Осиёда биринчилар қаторида республикада Бадий академиянинг ташкил қилиниши мустақил мамлакат маданий ҳаётида янги даврни бошлаб берди.

1990 йилларда Ўзбекистон тасвирий санъатида янги жанр-уруш, жанг манзаралари акс эттирилган (батал) рангтавири пайдо бўлди.

Ижод эркинлиги муҳити пайдо бўлиб, турли услуб, йўналишда, инсталган мавзуда асар яратиш мумкинлиги ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Мусавирлар ижодидан, аввало, истиқлол мавзуси кенг ўрин олди. Б.Жалолов асарларида янги-янги мавзу ва ғоялар намоён бўла бошлади. У «Пазолини II хотирасига» композициясида шўро салтанати тугаганини ифода этган. Унда воқеалар турли рамзлар, тимсоллар, ишоралар орқали гавдалантирилган. Ўзига хос изланиш самараси сифатида яратилган ушбу асар томошабинларни мушоҳадага ундайди.

Баходир Жалоловнинг «Пазолини II хотираси» композициясида плакат жанрига хос услубда шўро салтанати таназзули турфа хил ранглар уйғунлигида кўрсатилади. Мазкур рамзий асарда энди униб чиққан баҳор чечаклари тасвирланган.

Баходир Жалолов дунёвий миқёсда мушоҳада юритадиган, умуминсоний муаммоларга ўзига хос нуқтаи назардан ёндашадиган рассомлар сирасига қиради. У ҳаёт ҳодисаларига, ундаги ўзгаришларга умуминсоний маънавий кадриятлар нуқтаи назаридан қарайди.

«Пазолини II хотираси»да совук, иссиқ, кизгиш ранглар тўқнашувида ҳаёт ва ўлим кураши гавдалантирилган. Ушбу асарда қарама-қаршиликлар билан тўлиб-тошган муҳитда яшин тезлигида пайдо бўлган ёруғлик янгилик бўлиб кўзга ташланади. Композиция янги жисм ўсиб-униб ҳаракатга келаётгани тўғрисида тасаввур уйғотади. Асарда дунда ва ихчам манзара орқали теран фикр ифодаланган.

«Пазолини II хотираси» композициясида микробларнинг шиддатли кураши жараёни ифода этилган. Микроблар, майда хужайралар ўрнини фаришта эгаллаши кутилмоқда. Келажакка ишонч билан қараш рассом изланишларининг лейтмотиви ҳисобланади. Рассомнинг «Мегамарфола олами» композициясида рамзлар орқали Бобур ва Машрабнинг руҳий олами ифода этилган. Бу картинада Бобур ва Машраб тақдири, қисмати таққосланади. Маърифат тарқатиб, кишиларнинг ҳаёт йўлини чароғон қилган бу улуг сиймолар қисмати, уларнинг руҳий дунёси рассомни фалсафий мулоҳаза юритишга чорлайди.

Рассомнинг «Турмуш эврилишлари» композициясида Бобур ва Машраб руҳан яқин сиймолар эканлиги ифода этилган. Бу композицияда Бобур, Машраб тақдири муқояса қилинади. Машраб ўз даври қарама-қаршиликларидан, тушунмовчиликларидан нолийди. Бобур ҳам шох бўлса-да, Ватанидан узокда юртни қўмсаб вафот этади. Бу икки улуг инсоннинг қисматида ўхшаш жиҳатлар кўринади.

Рассом «Ўзбек миллий театрининг тараккиёти» композициясида авлиёнинг никоб остида илохий нур сочиб турган ҳолатини тасвирлаган.

Б.Жалоловнинг «Ер ва осмон иттифоқи» асарининг ҳар бир қисми ечимида мато юзасини аниқ ташкил қилиш, ранглар муносиблигига эришиш, чизиклардаги равоқлик ва теранлик, ўз руҳий оламини таъсирчан шаклларда ифодалаш қабилар яққол кўзга ташланиб туради. Рассом инсон вужудида қонотнинг сирли қонуниятлари, мураккаб руҳий ҳолатлар яширин эканини рамзий белгилар воситасида талқин этишга интилади. Асарнинг маъно қўламини кенглиги ижодкор бадиий юксакликка эришганидан далолат беради. Асарнинг марказий қисми чап бўлагида инсоннинг дунёга келиши рамзий ифода этилган. Рассом бу ўринда «Мен қонотда ва қонот менда» деган тушунчадан келиб чиқади. Шу тасвирнинг тепа қисмида ўзга сайёралик мавжудот рамзи берилади. Рассом қонот, ер ва бўшлиқ ўртасидаги муносабатларни рамзий образлар орқали гавдалантиради. Композициянинг марказий қисмида кенг камровли фикрлар умумлаштирилади. Рассом талқинчи, инсониятнинг энг юксак хусусиятларга эга янги насли олтинчи ирқни ташкил этади ва бу ирқ XXI асрда пайдо бўлади.

Бу янги инсон, рассом мушоҳадасига кўра, ақл бовар қилмас тафаккурга, куч-қудратга, башират қила билиш қобилиятига эга бўлади. Реал ва нореаллик орасидаги воқеалар силсиласини реалистик тасвир орқали ифода этиб бўлмайди. Шу боисдан рассом уни рамзлар, белги-ишоралар ва ранглар қоришмаси асосида талқин қилади.

Рассом асарларида танланган мавзу жаҳон тасвирий санъати мумтоз намуналари даражасида юксак маҳорат билан ёритилган бўлиб, картина мазмуни турли геометрик шакллар орқали ифодаланади.

А.Мирзаев асарларида дунёни ҳис қилиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Унга машҳур француз мусаввири А.Матиссининг ижоди катта таъсир кўрсатган. Рассом дунёни ранглар ва шакллар уйғунлигида кўради.

Рус тасвирий санъати уч ўлчамли қонун-қоидаларга асосланган бўлса, Алишер Мирзаев асарлари ундан фарқли ўлароқ, икки ўлчамда, яъни Мартирос Сарьян асарлари руҳига яқин тарзда яратилган.

Рассомнинг қаламтасвирдаги асарлари учун Мартирос Сарьяннинг композицион ечимлар яратиши, мато сатҳини яхлит кўриб, фикрни тугал пластик ифода этиш йўлидаги изланишлари ўзига хос мактаб бўлди. А.Мирзаев Т.Наримонбеков асарларидан композициянинг ички конструктив тузилишини, фикрни кенг кўламда таъсирчан ифода этишни ўрганди.

Алишер Мирзаев ўзига руҳан яқин йирик рассомлар асарлари билан танишаркан, улардан тасвирий воситалардан фойдаланишни ўрганди. Рассом композицияда таъсирчан, пластик ечимга эришишда ранглар жозибаси муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис этади ва шу асосда натурада, табиатда бор бўлган гўзалликни шартли тарзда матога кўчиришга ҳаракат қилади. Рассом тасвирий санъатни пластика, шакллар ўйини, чизгилар санъати деб тушунади. Шундан келиб чиқиб, рассом ўз асарларида шакллар мутаносиблигига аҳамият беради.

Л.Ибрагимов ижодида эса Узок Шарк рангтасвири, Турон фрескаларининг таъсири сезилади. Л.Ибрагимов ўз асарларини яратиш учун узок изланди.

Л.Ибрагимовнинг «Тун ва кун», Акмал Нурнинг «Булок» асарлари Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъатидаги баркамол асарлардир. Мазкур асарларни бу рассомлар ижодий изланишларининг ўзига хос якуни деса бўлади. Бу асарларда рассомлар тимсоллар, рамзий белгилар орқали инсон руҳий кечинмаларини, инсоният тақдирини кинот билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Акмал Нурнинг «Булок» композициясини муҳаббатга қасида дейиш мумкин. Асарда балиқ оғзига зар қуқунлари сингари доналарнинг тушиши, кизнинг булок сувига танга ташлаши тасвирланган. Унда балиқ муҳаббат рамзи сифатида кўрсатилган. Дур доналарига тўла текис юзанинг жилланиши, киз ва йигитнинг нафис, нозик, сирли хатти-ҳаракати, имо-ишоралари орқали инсоний муҳаббат гўзаллиги гавдалантирилган. Йигит ва кизнинг қиёфасида руҳий парвоз, висол

онларидаги сирли-сехрли туйғулар намоён бўлади.

Л.Ибрагимов «Тун ва кун» асарида неча минг йиллар давомида инсоннинг оғирини енгил қилган, унга дўст, ҳамроҳ, сирдош бўлган, жанг майдонларида уни ўлимдан қутқарган отларни тасвирлаш орқали чексиз макон ва замон манзарасини намоён этишга интилади. Рассом шарқона ҳаётни турли тимсоллар орқали ихчам ифодалайди. Ижодкорнинг «Уч фаришта» композициясида бу янги талқин қилинади. Ушбу асарда аёл, қуш, от оқ фонда, нафис чизгилар ёрдамида таъсирчан гавдалантирилади.

Рассом мушоҳадага чўмган инсон образини кўрсатиш орқали дунёни, аждодлар руҳини илғашга интилади. У шу асосда кўнгил тубидаги хистуйғуларни нафис ранглар, ўйноқи мавжларга тўла чизиклар орқали ифодалайди. Рассомнинг мушоҳадалари композицион қурilmалар тўлкинида мавжланади. Рассом истеъдодининг ўзига хослиги ҳам шунда намоён бўлади. Сирли имо-ишора, чизгилар «ўйини»да бирданига англаш мушкул бўлган руҳий ҳолатлар яширинган. «Шер билан олишув», «Фаришталар водийси», «Осиёнинг ўғирланиши» композицияларида эса фантастик оламдаги илохий, самовий қучлар ҳаракати гавдалантирилган. Мазкур асарларда чизиклар «ўйини», турфа рангларнинг нафис товланиши кўзга яққол ташланади.

Лекин яхши асарларида абстракционизм ва модернистик йўналишларни уйғунлаштирган ҳолда Ўрта Осиё халқлари ҳаётини, қадимий анъаналарини ифода этишга интилади. У ўзининг мураккаб ҳиссиётларини ифода этиш учун «оддийлик»дан, натурага яқинлашишдан кочади ва бу сирли, мавҳум, номатълум, сирли оламни турли услублар орқали талқин қилишга уринади.

В.Охуновнинг «Ёнаётган уй» асарида икки кишининг томга чиқиб ўтиргани, уйнинг ёнаётгани, қабрлар кўрсатилган. Севишганлар том устида муҳаббат ҳақида суҳбат қуриб ўтиришибди. Севги уммонига нарқ икковлон дунё ташвишларини бутунлай унутишган.

Ҳозирги ўзбек тасвирий санъатининг картина жанридаги асарлар учун турли услублардан фойдаланиш, бир-бирига зид фикрларни, назарияларни қориштириб юбориш характерлидир. Авваллари модернизм ягона услуб сифатида ҳукмрон эди. Унинг таркибида абстракционизм, супрематизм, сюрреализм ва бошқа йўналишлар бор бўлиб, улар бошқа услубларни инкор этарди. Ҳозир эса постмодернизм намоёндалари бошқа мавжуд услубларни инкор этмай, улардан оқилона фойдаланади ва уларнинг муайян жиҳатларини ижодий ўзлаштиради. Бу рассомлар картина яратиш чоғида сюжетдан тортиб то ёзишгача синтез усулидан фойдаланишади.

Замонавий санъатда ўтмиш санъатига хос архаикдан тортиб юксак реалистик мактабларга хос турли услубларгача бир-бири билан уйғунлашганини кўрамиз. Бундай синтез тасвирий санъатда янги пластик тилни вужудга келтирди. Ҳозирги замон дастгоҳли картина жанридаги асарларда муайян ўзгаришлар, янгиликлар содир бўлмоқда.

1990 йиллардан кўпгина rassomлар ижодида ихчам воситалар орқали кенг камровли фикрларни ифода этишга интилиш тамойили намоеън бўла бошлади. Глобал ҳаётги муаммоларни ифода этишда хилма-хил белги, тимсоллар тизимидан фойдаланиш ва улар орқали фикрларни кенг кўламда ифода этишга интилиш сезилмоқда. Бу хусусият В.Охунов, Л.Ибрагимов, А.Нур, Ж.Усмонов, М.Тахтаев каби rassomлар ижодида яққол намоеън бўлмоқда.

А.Нур, М.Тахтаевнинг турли оқимларни уйғунлаштирган модерн йўналишдаги асарларида инсон руҳияти, кайфияти, кечинмалари янгича шаклларда ифода қилинган. Бу жиҳатдан М.Тахтаевнинг «Фаришталар» туркум асарлари эътиборни жалб этади.

М.Тахтаевнинг «Тилла шафтоли кўтарган малак» (1994) картинасида rassomнинг борлик ва мавжудотлар олами ҳақидаги фалсафий қарашлари ифодаланган. Картинада биз яшаётган муҳит учун ўзаро ҳамжихатлик, самимийлик, ишонч, юксак маънавият, гоъл зарур эканлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Эзгуликка қарши кучлар қора рангда ит кўринишида берилган.

М.Тахтаев асарларида само билан мулоқот, илоҳий кучлардан руҳланиш, қонотга мурожаат ифодаланади. Бу унинг «Болохона», «Морис ва Наполсон», «Малак ва яраланган куш», «Бармоқ орасидан қараш», «Бировнинг сўзи билан иш қиладиган одам» туркумларида «Экологик туркум», «Учрашув», «Кузи ҳосиллар», «Тугашиш», «Ўзига қор тушган фаришта», «Хўроқлар жанги», «Сўнги император», «Қуш тутувчи», «Қирол ва қиролчи», «Қуш билан нажорморт» композицияларида яққол кўзга ташланади. Rassom воқеликка, борликка ўзига хос ёндашиб, унинг кўз ўнгида руҳий кенгликлар, бепоён бўшлиқлар очилаётганлигини ифодалайди. Rassomнинг «Қироллар ва кўгирчоқ аёл» туркум асарларида бировнинг сўзи билан иш қиладиган, яъни кўгирчоқка айланган одамлар образи гавдалантирилган.

Истиқлол йилларида кўп rassomлар жаҳоннинг ривожланган қатор мамлакатлари санъати билан бевоқифа танишишди. Улар ўз асарларини жаҳон тасвирий санъати фониде кўриш, таҳлил қилиш, янгича изланишлар олиб бориш имконига эга бўлдилар. Rassomлар 1980 йилларга келиб, 1930–70-йилларда андозага айланган «қолип»лардан чекиниб, янгича асарлар яратишга эришишди. Натижеда, айрим rassomлар ижодида руҳий кўтаринқилик пайдо бўлди. Дунёнинг машҳур галереяларини бориб кўриш, санъат ихлосмандлари билан бевоқифа мулоқотга киришиш, ижоддан моддий манфаатдорлик rassomлар ижодида янги саҳифа очди. Кўпгина rassomларимиз замонга мослашиб, талбиркорлик йўлини тутдилар. Буюртмачилар дидига мослаб асарлар яратдилар.

Ўзбекистонда ижод қилаётган rassomлар эндиликда миллийликни модерн анъаналари билан уйғунлаштиришга интиломқдалар. Хусусан, О.Қозоқов, В.Охунов, А.Нур, Б.Жалолов, А.Турдиев, К.Одилов каби rassomлар ижоди шу жиҳатдан характерлидир. М.Тахтаев сюрреализм

намояндалари асарларидан илҳомланиб, ижод қилади. А.Нур дастлабки асарларида нур ва соя нисбатларини назик ҳис қилган ҳолда гавдалантирган бўлса, унинг кейинги пайтда яратган асарларида хинд миниатюраси анъаналари, сюрреалистик асарларга хос унсурлар мавжудлиги яққол сезилади. Қ.Қодиров эса асарларида миллийликни ўлкамиздаги археологик топилмалар орқали ифодалайди. Шу билан бирга, унинг ижодида француз мусаввири М.Шагал асарлари таъсири ҳам сезилади.

Айрим миниатюрочи rassomларимиз ўрта аср мусаввирлари асарларидан юзаки нусха кўчираётган бир пайтда Ш.Мухаммаджонов ва Н.Холматов ўзига хос йўлни танлади. Улар миниатюралардаги ёзув услубини сақлаб қолган ҳолда асарларида ўз мушоҳадаларини ифода этишга интилдилар.

Ниязали Холматовнинг «Сўфиёна метоморфоза» асарида инсоннинг қомилликка эришиш учун етти босқични босиб ўтиши зарурлигига ишора қилинган. Ушбу асарда инсоний қомилликка интилиш зинапоъдан юқорига чиқиш тарзида акс эттирилган. Rassom ҳаётдаги эзгулик ва ёвузлик курашини, ундаги ҳар хил қарама-қаршиликларни композиция фониде ифода этади. Фантастик пашша образи орқали ноҳақлик, гиёҳвандлик, тажовузкорлик каби салбий иллатлар талқин этилади. Балиқ образида эса яхшилик, эзгулик, софлик, боқийлик каби ижобий хислатлар ифодаланади. Асарда эзгулик йўлидаги хилма-хил тўснқлар, турли ранглар тўқнашуви орқали рамзий талқин қилинган. Айни ҳолат rassomнинг «Сукунат узра» композициясида давом эттирилади. Қарама-қарши кучларнинг тоғ орасидаги олишуви орқали эса инсониятни ҳалоқатга олиб боровчи мураккаб жараёнларга ишора қилинади. Сувдаги соқиллик ва бегуборлик, руҳий олам сари талпиниш бу мураккаб жараёнларга қарама-қарши қўйилган. Тарихат талаби ва дунёвий иллатлар курашида, юксак туйғулар албатта устувор бўлиши гоъси композиция мазмунини ташқил этади. Rassom асарларида доимо шу икки қутб, қарама-қарши куч ўртасидаги ҳаёт-мамонт олишуви ифодаланиб, ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қилишига ишора қилинади.

Ғ.Ибрагимовнинг «Чавандозлар» композициясида кишилар худди бошқа дунё, бўлак руҳий оламдан қелгандай талқин қилинган. Асарда фаришталар образи сирли соя, шарпа тарзида берилган. Улар инсоннинг жонини олишга қелган Азроил кўринишида. Фаришталарнинг юзи кўринмайди. Уларнинг қиёфаси мавҳум. Отлиқлар гуноҳқорни олиб кетишга шайланаётгандай ҳолатда туришибди. Қора-оқ ранглар қарама-қаршилиги бу хиссийатни янада кучайтиради. Rassom аксарият асарларида ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисада албатта ўзига хос ижобий ҳамда салбий жиҳатлар мавжуд бўлади деган қарашни илғари сурлади.

Мустақилликка эришилганидан кейин халқ тарихи, миллий қадриятларни ўрганишга эътибор ортиши туфайли Л.Ибрагимов, В.Охунов, Ж.Усмонов каби rassomлар тарихий воқеликни турли шакл, рамзларда акс

эттирган асарлар яратишди. М.Набиев соҳибкирон Амир Темурнинг улугвор сиймосини яратди. Т.Курёзов эса машхур саркарда Жалолиддин Мангуберди образини гавдалантирди. С.Абдуллаев улуг шоир Навоий, Шарқининг машхур мусаввири К.Бехзод сиймосини яратиб берди. О.Мўминовнинг Темурий маликалар образи гавдалантирилган қатор асарлари томонбинлар эътиборини тортди. Иктидорли рассом Ж.Усмонов ўз инсталляцияларида фазовийликнинг реал ва образли воситаларини рад этмаган холда, таъсирчан баддий образлар яратишга эришмоқда.

Тадқиқотда XX аср ўзбек тасвирий санъати тарихи, ижодий жараён масалалари даврлар бўйича кўриб чиқилди. Масалан, баъзи рассомлар картиналарини бевосита объектнинг ўзида, очик ҳавода яратишади. Улар бевосита кузатиш жараёнида картина яратиш учун асосий ва ёрдамчи воситаларни, гоёни ифодалашда зарур булган биринчи ва иккинчи даражали жиҳатларни ҳаёт ҳодисаларини топишади. Ҳаётдан узилган ҳолда картина яратишмайди. Баъзи ижодкорлар эскиз-этнод-картина асосида композиция яратишади. Улар асосий гоёвий-ифодавий воситаларнинг хомаки вариантини эскизда чизиб, унинг асосида этнод ишлаб, кейин картина яратишга ўтишади. Баъзи ижодкорлар ҳаётни узоқ кузатишади. Кўрган, таъсир қилган манзараларини баъзан айрим енгил чизгилар ва ранглар воситасида оқ қоғозда (блокнотда) белгилаб, кейин тасавурида намоён бўлган манзара, ҳолатларни устаҳонасида матога кўчиришади. Рассомларнинг ижод қилиш, асар яратиш жараёни ҳар хил кечади. Ҳар бир рассомнинг ўзига хос ифода услуби бор. Улар турли мактабларда таҳсил олишган, турли йўналишдаги ижодкорлар асарларидан таъсирланишган. Тадқиқотда шу каби жиҳатлар билан боғлиқ холда рассомлар ижоди таҳлил қилинди.

Киши ерни, дунёни ҳаёлан гўзал деб ўйласа ва шу асосда борлиққа назар солса, унга борлиқ гўзаллик манбаи сифатида таъсир қилади. Картина шу каби кўп хусусиятлар йиғиндисидан яратилади. Картинада рассом ўзи билган, кузатган ҳаёт ҳодисаларини акс эттиради. Шу маънода, картина ҳар бир рассомнинг ҳаётни билиш даражасини кўрсатади, дейиш мумкин.

Картина шундай асарки, анча вақт ўтгандан кейин ҳам у орқали халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, кайфияти, урф-одатлари, жамиятнинг этик, эстетик, ахлоқ қоидаларини билиб олиш мумкин. Чунки картинада ҳаётнинг кўзга ташланадиган ва ташланмайдиган жиҳатлари, кишиларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ташки дунё билан алоқаси, муайян жойнинг кўринишлари, муҳитга хос манзаралар гавдалантирилган бўлади. Рассомнинг ҳиссиётлари, туйғуларини ифода этган асарлар ҳам вақт ўтган сари ўша даврни билиш, англашимиз учун кимматли восита бўлиб қолаверади. Рассом ўз даврининг салномасини яратувчи ижодкордир. Чунки у картинаси учун ўзи яшаётган муҳитдан мавзулар топади, ижод қилиши учун илҳом олади.

Бу, албатта, рассомнинг воқеа ва ҳодисаларни қандай ҳолатда ва қандай даражада ифода этишига ҳам боғлиқ. Рассомнинг мавжуд воқеликни

рангтасвир тили билан томошабинга етказиши муҳимдир. Рассом асарларининг киммати шу билан белгиланади. Шундай картиналар борки, уларда рассом келгуси авлодлар учун ҳам қизиқарли бўладиган тарихий воқеаларни акс эттирган. Замоनावий рассом ҳам картиналарида жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаган айрим тарихий шахсларни кўрсатиб, тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳақида хикоя қилади.

Рангларга рамзий маъно «юклаш», ранг «ўйин»и, унинг тусланиши, жилоланишини ифодалаш орқали кишининг нозик ҳис-туйғуларини акс эттиришга эришилади. Рассом ҳаёл оғушида ўзини эркин ҳис этади, юксак туйғулар дунёсидан баҳра олади. Гўзаллик оламига сари кириб борган сари руҳий олам, ички кечинмалар тугёнга келади. Киши руҳан енгиллашиб, кайфияти кўтарилади. Картинадаги ранглар мутаносиблиги кишини ана шундай ҳолатга солади.

Ўзбекистон тасвирий санъатида XX аср сўнгги ўн йиллигида социалистик реализм «қолип»ларидан холи, эркин ижодий тафаккурга асосланган асарлар пайдо бўлди. Бу даврда яратилган картиналарда миллий ҳаёт тарзи XX аср модернизмга хос шакл, услубларда акс эттирилди.

### III. ХУЛОСА

Хулоса қисмида XX асрда Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвирининг ривожланиш босқичлари ўрганилган, картина жанри турлича ривожланиш босқичини босиб ўтгани, ҳар хил услуб ва йўналишларда яратилган картиналарда турлича шакл ва композициялар намоён бўлгани бир қадар умумлаштирилади.

Булар, хусусан, қуйидаги бандларда қайд этилди:

- рассомлар асарларини ўрганиш, таҳлил қилиш учун услубий таянччи белгилаш керак бўлади. Бунинг учун аввало ҳар бир рассомнинг унинг таржимаи холи, ҳаёт йўлини билиш даркор. Чунки XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистонга келган рассомлар турли мактабларда таҳсил кўрган ижодкорлар эди. Уларнинг ижтимоий, маънавий, ижодий, руҳий оламини ўрганмасдан туриб, асарлари ва ижодини тўғри таҳлил қилиб бўлмайди. Шунингдек, бу рассомлар руҳияти, кайфиятига шарқона турмуш тарзи, атроф муҳитнинг ўзига хос кўриниши кучли таъсир кўрсатганки, бу ҳам масаланинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўша давр архив материаллари ҳам шундан далолат беради. Шу каби омиллар Ўзбекистонда картина пайдо бўлишига ўзига хос асос бўлди. Тадқиқотда муайян рассомлар ижоди асосида Ўзбекистон рангтасвир санъатидаги дастлабки картиналарга хос хусусиятлар таҳлил қилинди.

- 1930 йилларда картина жанрида яратилган асарларда АХРР таъсири ва соцреализм ижодий методи талаблари туфайли асарнинг сюжетлигига эътибор кучайиб, картинанинг баддий жиҳати иккинчи планга тушиб қолгани, ижодий жараёнда сунъий тантанаворликни кўрсатиш кенг тус

олгани ўрганилди.

- 1930-50 йилларда картина жанрида яратилган асарларда мавзуни юзаки талкин қилиш тамойили кучайиб, ҳаётни тантанавор, байрамона кўринишда ифода этиш кенгайиб бориши натижасида, рассомлар ижтимоий, иктисодий, маънавий муаммолардан узоқ асарлар яратишгани тўғрисида сўз юритилган.

- 1930 йилларда картина жанрида яратилган асарларда сюжетнинг биринчи планга чиқиши ва унинг таъсирида юз берган композицион ўзгаришлар таҳлил қилинди. Ижодий жараёндаги сунъий тантанаворлик билан боғлиқ муаммолар ўрганилди;

- 1930-50-йилларда турли услуб, йўналишларга салбий муносабатда бўлингани, «ёт унсурлар» (беватан космополит) га қарши кураш олиб борилгани, фикрлар хилма-хиллигига йўл берилмагани, ҳаётни байрамона кўрсатиш талаб қилингани картиналарнинг мазмуни, очиб берилди. 1930-40-йилларда Ўзбекистонда ижод қилган рассомлар асарларида муайян бадий жозибалорлик мавжудлиги таъкидланди. 1950-йилларда яратилган картиналарда эса ҳукмрон мафкура талабларининг салбий таъсири аниқ кўрилган. Бу давр картиналарида долзарб мавзу биринчи ўринда туриши, шу асосда байрамона руҳдаги кўтаринки образлар гавдалантирилгани, улар кифасида сунъийлик мавжудлиги, рангтаъсирда чучмаллик, нотабий композициялар юзага келгани таҳлил қилинган;

- турли жанрларнинг ўзаро уйғунлаштирилиши давр ва ҳаёт ҳодисаларини кенг қўламада акс эттириш имконини бергани, рассомлар ўз туйғу, ҳиссиётларини ифода этиш учун муқобил йўллар излагани тадқиқ қилинди;

- 1950 йиллардаги “конфликtsizлик назарияси”, “шиддатли услуб”, “бригада методи” каби ҳодисалар тасвирий санъатга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатгани тўғрисида фикр юритилди. Бу даврда картиналарнинг мавзу қўлами торайгани, мазмуни саёзлашгани таҳлил қилинди;

- тадқиқотда муайян асар таҳлили асосида рассомнинг ўз руҳиятидаги кечинмалар, ҳаёлида намоён бўладиган манзаралар ва ҳаёт ҳодисалари таъсирида картина яратиши ўрганилди;

- рассомлар изланишлари, асарларининг бадий даражаси, ғоявий концепцияси, картина композициясида рўй берган ўзгаришлар, ижодкорларнинг ўзига хос услуби, уларнинг картина жанри ривожига қўшган ҳиссаси, ушбу асарларнинг Ўзбекистон рангтаъсирдаги ўрни тўғрисида фикр юритилди.

- дастгоҳли рангтаъсир Ўзбекистон санъати учун янги йўналиш эканлиги, рассомлар ижодида бу жанрдаги асарларнинг пайдо бўлиши сабаблари ўрганилди. Картина жанридаги асарларни Шарк ва Ғарб тасвирий санъати, анъанавий миниатюра, деворий суратлар, халқ амалий санъати,

этнография асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Ғарб тасвирий санъатига хос уч ўлчамли тасвир усули ва Шарк тасвирий санъатига хос икки ўлчамли тасвир услубининг ўзаро уйғунлашуви, яъни нур-соя ҳамда текис, эгилувчан чизиклар воситасида турли рангтаъсир асарлари яратиш йўллари муайян ижодкорлар изланишлари асосида таҳлил қилинди;

- картина жанрида 1960 йилларда ҳаёт ҳодисаларини асл кўринишида кўрсатилиши яратилган асарларнинг пластик ечим ва мазмунини теранлаштирди. Миллий ўзига хосликни ифодалаш, Шарк тасвирий санъати негизларига эътибор қаратиш кучайди. Картиналарда шарқона руҳ декоратив, жарангдор, ёрқин ранглар орқали ифодаланди. Картиналар учун тарихий воқеалар, халқнинг миллий турмуш тарзи асосий мавзуга айланди. Санкт-Петербург ва Москва бадий олий ўқув юртини битириб келган рассомларнинг фаол ижод бошлаши, улар маҳоратининг ўсиши ўзбек тасвирий санъатида картина жанридаги асарларнинг композицияси ранг-баранглашуви таъминлади. Ўзбекистон бадий олий ўқув юртида малакали рассомлар, мутахассислар тайёрланишига жиддий эътибор қаратилди. Академик таълим дастгоҳли рангтаъсирда эскиз-этнод-картина яратиш жараёни кенгайишига олиб келди. Шу каби омиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида картина жанри ривожини таъминлади.

- 1970 йилларда мавзули картиналар яратишга эътибор кучайиши натижасида ҳажмдор, баҳайбат (“гигантомания”) композициялар яратилди. Бу турдаги картиналар “давр руҳи” ни ифода этувчи ижтимоий-ғоявий асарга айланди. Рассомлар ижодида картинани репортажга ўхшатиб ишлаш, турли слайдлар, теле, видео кўрсатувлардаги манзаралар асосида картина ишлаш, газета, журналлардаги репродукциялардан фойдаланган ҳолда кичик вақтда кетма-кет картина яратиш кенг тус олди. Натижада, қўлаб таъсирсиз, бадий ночор картиналар пайдо бўлди. Аслида картинада теран мазмун ифодаланиши, унда рассом калбадаги хис-туйғулар акс этиши, турли ранглар ўзаро уйғунлашиб, кучли таассурот ҳосил қилиши керак.

- модернистик изланишлар рассомларнинг ижодий ўзига хослигини намоён этишга, турли кечинмаларни ифода этишга, нозик хис-туйғуларни акс эттиришга имкон берди. Натижада, картиналарда реал ва нореал воқеа ва ҳодисалар манзараси намоён бўлди. Бу картина жанридаги асарларда глобал ҳаёт муаммоларини камраб олиш имкониятини кенгайтди. Картиналарда ҳаётнинг турли ҳодисалари теран ифода этилди. Рассомларнинг ҳаётни узоқ ўрганиб, этюд ёзиб, эскиз воситасида картина яратиши жадаллашди. Картиналарда батафсиллик, бўшлиқларни сиқик, интуитив ифода этиш хусусияти кучайди. 1970 йилларда бошланган бу жараён 80- йилларда янада кучайгани, 1990 йилларда эса бу жараён ўз пойнига етгани асослаб берилди;

- Ғарбда, Россияда XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида тасвирий санъатда анъанавий академик мактабга хос тасвир усуллари, ифода воситаларидан қутилишга интилиш натижасида дастлаб импрессионист,

постимпрессионист рассомлар пайдо бўлди. XX аср бошларида А.Матис, П.Пикассо, С.Дали, В.Кандинский, К.Малевич каби рассомлар фовизм, кубизм, сюрреализм, супрематизм, абстракционизм йўналишларида янгича асарлар яратдилар. Бу асарлар таъсирида жаҳон тасвирий санъатида жиддий ўзгариш юз берди. Бу ўзгаришлар XX аср 20- йилларида Ўзбекистонда дастгоҳли картина жанри пайдо бўлишига таъсир кўрсатди. 1930 йиллардан бошлаб эса соцреализм методи модернистик йўналишларга салбий таъсир кўрсатди. Бу Ўзбекистонда картина жанри ривожини тамоман бошқа йўлга буриб юборди. Бу, айрим ҳолатларни эътиборга олмаганда, 1980 йиллар ўрталаригача давом этди. Қайта қуриш муносабати билан ўзбек тасвирий санъатида жаҳон тасвирий санъатидаги илғор тамойилларга интилишга йўл очилди. Ўзбек тасвирий санъатининг бу даврдаги ҳолати картина жанридаги асарлар асосида таҳлил қилинди. XX асрда Ўзбекистон рассомлари дунё рангтаъсир санъати намояндалари асарларидан таъсирланиб, самарали изланишлар қилиб, жиддий мувафаксиятларга эришдилар. Бу, айниқса, картина жанрида яратилган асарларда яққол кўринди;

- модернизм XX асрда юз берган техника инкилоби маҳсули бўлиб, унда ҳаёт ҳодисаларининг реалистик тасвир орқали акс эттириш мушкул жиҳатлари, инсон руҳиятининг мураккаб қирралари турли рамз, ипоралар орқали кўрсатилади. Модерн асарлар кўпроқ томошабиннинг ҳис-туйғуларига қаратилади. Томошабин модерн асарларда тасвирланган турли шакл, рамзларга қараб, ҳаётнинг сирли-сехрили, англаб бўлмас мураккабликлари тўғрисида мушоҳада юритади. Тадқиқотда картина жанрида модерн услубида яратилган асарларнинг шу жиҳатлари таҳлил қилинди.

#### IV. НАШР ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

##### Монография ва илмий журналларда эълон қилинган мақолалар

1. Эгамбердиев А. Жанровая живопись Узбекистана. - Т.: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма. 1989. – 150 с.
2. Эгамбердиев А. Рахим Ахмедов. - Т.: Матбуот, 1994. – 80 б.
3. Эгамбердиев А. Алишер Мирзо (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Қаторгол-Камолот, 1999. – 143 б.
4. Эгамбердиев А. Ўзбекистон дастгоҳли рангтаъсири.- // Ўзбекистон санъати: 1991-2001.-33-46 б.
5. Эгамбердиев А. XX аср Ўзбекистон рангтаъсирида картина ривожини, Т.: ЧП «Артиков Б.А.» босмаҳонаси. 2007 . -200 б.

6. Эгамбердиев А. Бадий-танкидий этюдлар. Т.: ЧП. «Артиков Б.А.» босмаҳонаси. 2007 .-294 б.
7. Эгамбердиев А., Саидова С., Ражабов Р., Тасвирий ва мейморчилик санъати тарихи. Коллежлар учун дарслик.-Т.: Ўқитувчи, 2007.-160 б.
8. Эгамбердиев А. Икром Баҳромов.-Т.: Матбуот,1996 .-9 б.
9. Эгамбердиев А. Она ерга қасида.- // Ж. Совет Ўзбекистони санъати.- Тошкент, 1979. -№ 3.- Б-12-13.
10. Эгамбердиев А. Фарғона водийси куйчиси.- // Ж. Совет Ўзбекистони санъати.- Тошкент, 1979.- № 12.- Б-16-17
11. Эгамбердиев А. Мольберт и война. - // Ж. Звезда Востока. –Ташкент, 1979. №5.- С. 144-152.
12. Эгамбердиев А. Рассом Тешабой Пирматов.- // Ж. Совет Ўзбекистони санъати. -Тошкент,-1981.-№3.- Б-16-17.
13. Эгамбердиев А. Мирзачўл рассомлар тасвирида.- // Ж.Совет Ўзбекистони санъати.-Тошкент,-1981.- №11.- Б-4-5.
14. Эгамбердиев А. Асарларда меҳнат мадҳи.- // Ж. Совет Ўзбекистони санъати.- Тошкент,-1981.- №11.- Б-19-20.
15. Эгамбердиев А. Уйғоқ хотиралар. - // Ж. Совет Ўзбекистони санъати.- Тошкент,-1984.- №7.-Б-18-19.
16. Эгамбердиев А. Мусаввирнинг меҳри.- // Ж.Гулистон.-Тошкент,-1984.-№10.-Б-6-7.
17. Эгамбердиев А. Ижоднинг завқли машаққатлари. - // Ж. Совет Ўзбекистони санъати.-Тошкент,- 1985.- №4.-Б-16-19.
18. Эгамбердиев А. Ҳаётнинг теран томирлари. - // Ж.Совет Ўзбекистони санъати.- Тошкент, 1986.- №12.-Б-18-21.
19. Эгамбердиев А. Миллий ўзига хослик йўлидаги изланишлар. - // Ж. Санъат.-Тошкент, 1999.- №1.- Б-20-22.
20. Эгамбердиев А. Она ер тафти. - // Ж. Совет Ўзбекистони санъати.- Тошкент,-1986.- №12.-Б-26-29.
21. Эгамбердиев А. Полотноларда ҳаёт ҳарорати. - // Ж.Совет Ўзбекистони санъати.-Тошкент,-1986.- № 5.-Б-7-9.
22. Эгамбердиев А. Тешабой Пирматов: середина пути. - // Ж. Молодая смена. –Тошкент, 1987.- №6.- С. 19-23.
23. Эгамбердиев А. Ижодий балоғат бўсағасида. - // Ж.Совет Ўзбекистони санъати.- Тошкент,- 1988.-№10.-Б-17-21.
24. Эгамбердиев А. Отражая радости труда. - // Ж. Звезда Востока.- Тошкент,-1988.- №2.-С. 128-131.
25. Эгамбердиев А. Остановленные мгновения. - // Ж.Звезда Востока.-

- Тошкент,- 1988.- №8.- С. 175-176.
26. Эгамбердиев А. Сирли истеъдол сохиблари. - // Ж. Гулистон.- Тошкент,- 1988. - №5.- Б-22-25.
  27. Эгамбердиев А. Гўзаллик дунёси сари. - // Ж. Санъат.- Тошкент,- 1989.- №7.-Б-14.
  28. Эгамбердиев А. Мусаввир ҳаётининг булоғи. - // Ж. Санъат.- Тошкент,- 1990.- №5.- Б-9-10.
  29. Эгамбердиев А. Меъморликка битилган тасвир. - // Ж. Гулистон. - Тошкент,- 1996.- №3.- Б-33-35.
  30. Эгамбердиев А. Гўрўғлининг қайтиши. - // Ж. Гулистон.-Тошкент,- 1997.- №3.- Б-18-19.
  31. Эгамбердиев А. Тасвирларда ноёб туйгулар. - // Ж. Гулистон.- Тошкент,- 2006.- №3.-Б -83.
  32. Эгамбердиев А. Шарқнинг буюк мусаввири. - // Ж. Мулоқот.- Тошкент,- 2005.-№6.-Б- 10-11.

#### Каталоглар ва конференция тезислари

33. Эгамбердиев А. Зокир Иноғомов.- // Матбуот.-Тошкент,-1981.-Б-20.
34. Эгамбердиев А.Йигатали Турсунназаров.-//Матбуот.-Тошкент,-1983.-Б-25
35. Эгамбердиев А. Тешабой Пирматов.- // Матбуот. Тошкент,- 1988.-Б-24.
36. Эгамбердиев А. Икром Баҳромов.- // Матбуот. Тошкент,- 2006. -Б-6.
37. Эгамбердиев А. Картинанинг туғилиши // Традиции и новаторства в искусстве Центральной Азии (история и современность): Тез. Докл.- Тошкент,- 1995.- С. 50-52.
38. Эгамбердиев А. Фотография ва тасвирий санъат муносабати // Марказий Осиё санъати. Тарихий тараққиётнинг ўзига хослиги: Халқаро илмий конференция тезислари.- Тошкент,- 1997.-Б- 111-112.
39. Эгамбердиев А. Тасвирий санъатда мавхумлик муаммоси // Санъатшунослик масалалари:- Тошкент,- 1988.-Б- 119-112.
40. Эгамбердиев А. Буюк мусаввир // Камолиддин Бехзоднинг жаҳон тасвирий санъати ва таълим тизимида таъсири: Республика илмий-амалий конференция тезислари.- Тошкент,- 2000.-Б- 17-19.
41. Эгамбердиев А. Шарқ Рафаэлими ёки Бехзоди? // Камолиддин Бехзод ижодининг жаҳон тасвирий санъатига таъсири: Халқаро илмий-ижодий конференция тезислари.- Тошкент,- 2000.-Б- 21-22.
42. Эгамбердиев А. Миниатюрага қиёсий қарашлар // Ўзбекистон

- санъатида маданий толерантлик ва анъаналарининг ўзига хослиги. Илмий конференция материаллари. Тошкент,- 2005.- Б-55-56.
43. Эгамбердиев А. Моний шивирлаган сувратлар. //Камолиддин Бехзоднинг жаҳон маданияти тарихидаги тутган ўрни. Буюк рассом таваллудининг 550-йиллигига бағишланган. Тошкент,- 2005.-Б- 94-95.
  44. Эгамбердиев А. Модерн ва миниатюра // «Янги давр Ўзбекистон санъати ва санъатшунослиги». Илмий-назарий конференция материаллари. Тошкент,- 2007.-Б- 75-77.
  45. Эгамбердиев А. Луксордан Бухорогача маданиятлар шони // Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида (Республика илмий-назарий анжумани материаллари) Тошкент,- 2007.-Б- 62-64.

Санъатшунослик фаълари доктори илмий даражасига талабгор Эгамбердиев Абдувалининг 17.00.04- «Тасвирий ва амалий безак санъати» ихтисослиги бўйича «XX аср Ўзбекистон рангтасвирида картина ривожи» мавзусидаги диссертациясининг

#### РЕЗЮМЕ СИ

**Таянч сўзлар:** тасвирий санъат, рангтасвир, каламтасвир, колорит, плёнэр, жанр, тенденция, услуб, мерос, тон, мавзу, композиция.

**Тадқиқот объекти:** XX аср Ўзбекистон рангтасвирида дастгоҳли картинанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

**Ишнинг мақсади:** XX аср Ўзбекистон рангтасвирида дастгоҳли картинанинг пайдо бўлиши ва ривожланишини мустақиллик давридаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар асосида тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг услуби:** объективлик, фактларга асосланиш, миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар. Республика дастгоҳли рангтасвири ривожи билан боғлиқ жараёнларни қиёсий-типологик асосда кўриб чиқиш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Мазкур диссертация ишида Ўзбекистонда XX асрда дастгоҳли картина пайдо бўлиши ва тараққиёти жараёнлари, унинг ҳозирги ҳолати, картинанинг ривожланиш босқичлари тарихий-қиёсий йўналишда аниқланди.

Ўзбекистонда дастгоҳли картина тараққиёти билан боғлиқ муаммолар кенг кўламда ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида эса тасвирий санъатнинг бу йўналиши илмий-назарий асосда кенг кўламда ўрганилди. Бу йўналишдаги ишнинг ўзбек тилида илк бор яратилгани ҳам унинг ўзига хос янгилиги саналади.

**Амалий аҳамияти:** диссертация иши К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳамда лицей, коллеж ўқувчилари

учун ўқув қўлланмаси бўлиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси:** Тадқиқот кенг жамоатчилиikka, санъат ихлосмандларига мўлжалланган бўлиб, унда баён этилган мулоҳазалар, илгари сурилган ғоялар, чиқарилган хулосалар санъатшунослар, талабалар, шунингдек, Ўзбекистон санъати тарғиботи учун, шубҳасиз, фойдали бўлади.

**Қўлланилиш соҳаси:** санъатшунослик, тасвирий санъат, маданиятшунослик, фалсафа, рухшунослик.

### РЕЗЮМЕ

**диссертации Эгамбердиева Абдували на тему: «Развитие картины в живописи Узбекистана XX в.», на соискание учёной степени доктора искусствоведения по специальности 17.00.04 – «Изобразительное и декоративно-прикладное искусство»**

**Ключевые слова:** изобразительное искусство, живопись, рисунок, колорит, пленэр, жанр, тенденция, стиль, наследство, тон, сюжет, композиция.

**Объект исследования:** становления и развития станковой картины в живописи Узбекистана XX в.

**Цель работы:** исследование с позиций современной идеологии Узбекистана становления и развития станковой живописи Узбекистана XX в.

**Метод исследования:** объективность, опора на факты, национальные традиции и общечеловеческие ценности. Применение диалектического метода при рассмотрении развития станковой живописи в республике и неизбежных противоречий в этом развитии.

**Полученные результаты и их новизна:** в результате проделанной диссертантом работы в тексте возникает полная теоретически осмысленная и фактообъемлемая картина становления и развития узбекской станковой картины XX века в эпоху её минувшего развития советской, а так же и в постсоветский период. Исследования по данной теме отмеченное такой всеобъемлемостью охвата материала и выполненное на узбекском языке автору диссертации до сих пор не встречалось.

**Практическая значимость:** диссертация, несомненно, послужит ценным пособием по изучению живописи Узбекистана в художественных лицах, колледжах, Национальном институте искусств и дизайна им. К.Бехзада.

**Степень внедрения:** Созданная на доступном для широких кругов читателей языке данная диссертация, несомненно, принесёт пользу пропаганде изобразительного искусства среди молодёжи и студентов и всех людей заинтересованных в плодотворном развитии искусства Узбекистана.

**Область применения:** искусствоведения, изобразительное искусство,

культурология, философия, психология

### RESUME

**Thesis of Abduvali Egamberdiyev on the scientific degree competition of the doctor of art criticism in speciality 17.00.04 – «Fine and decorative-applied art» subject: «Development of a picture in painting Uzbekistan XX centuries»**

**Key words:** the fine arts, painting, figure, colour, an open-air, a genre, the tendency, style, the inheritance, tone, a plot, a composition.

**Subjects of the inquiry:** becoming and development heavy pictures in painting Uzbekistan XX century.

**Aim of the inquiry:** research from positions of modern ideology of Uzbekistan of becoming and development of easel painting of Uzbekistan XX century.

**Method of inquiry:** objectivity, a support on the facts, national traditions and universal values. Application of a dialectic method by consideration of development of easel painting in republic and inevitable contradictions in this development.

**The results achieved and their novelty:** as a result of the work done by the dissertator in the text there is full theoretically intelligent and factuality a picture of becoming and development Uzbek heavy pictures of XX century during an epoch of its past development Soviet, and as and during the post Soviet period. Research on the given theme mark such universal scope of a material and executed on the Uzbek language to the author of the dissertation till now did not meet.

**Practical value:** the dissertation, undoubtedly, will serve as the valuable grant on studying painting Uzbekistan in art licea, colleges, National Institute arts and design to name K.Behzod.

**Degree of embed:** Created on accessible to the broad audiences of readers language the given dissertation will undoubtedly benefit to propagation of the fine arts among youth and students and all people interested in fruitful development of art of Uzbekistan.

**Sphere of usage:** art criticism, the fine arts, cultural science, philosophy, psychology.

12 – буюртма. 100 нусха. Ҳажми 2,6 б.т.  
2009 йил 12 февралда босишга рухсат этилди.  
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида  
нашр қилинди.